

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИНИНГ
ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ»
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2020

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ЎзМУ, “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири т.ф.н.,
доц. Д.Ураков

Тақризчилар: З.Полатходжаев – ЎзХИА “Халқаро муносабатлар”
кафедраси катта ўқитувчиси.

Хорижий эксперт: СИУ РАНХиГС (Россия),
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик
кафедраси мудири, т.ф.д, профессор В.В.Демидов.

*Ўқув -услугий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори
билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 15 сентябрдаги № 3-сонли
баённомаси)*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	45
V. ГЛОССАРИЙ.....	55
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	62

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: Модулнинг асосий мақсади энг қадимги цивилизацияларнинг вужудга келган даврдан бошлаб ҳозиргача мавжуд цивилизацияларни шаклланиш жараёни, жамиятнинг ривожланишига цивилизацияларнинг қўшган ҳиссаси ва аҳамиятини чуқур таҳлил қилишдан иборат. Жаҳон цивилизациялари тарихини ўқитиш орқасидан тингловчиларга цивилизацияларнинг ривожланиш ҳақидаги тасаввурлар уйғотилади. Цивилизацияларнинг инсоният тарихининг ажралмас қисми эканлиги, қадимги цивилизация марказлари ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни очиқ берилди.

Модулнинг вазифалари:

- Қадимги дунёдаги маданий тараққиёт ҳақида тушунчаларни ёритиш, “Цивилизация” атамасининг XVIII-XIX асрда Европа илмига кириб боришини ўрганиш;

- Педагогларнинг Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммоларини ёритишда ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарасини татбиқ этилишини таъминлаш;

- Антик мерос ва христианлик-Европа цивилизациясининг фундаментал асослари. Цивилизацияга қарши “Варварлик”. Рим ва варварлик дунёсини қоришма жараёни ўргатиб, мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари бўйича эгаллаган билимларини таҳлил қилиш, цивилизациялар ривожда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қила олишини ўзлаштириш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

- жаҳон цивилизациясининг мукаммал, ривожланиб бориш жараёнлари, тарих фанининг алоҳида фан мавқеига эга бўлиши;
- классик ва ҳозирги даврдаги тарих фанининг долзарб муаммолари ва улар борасида илгари сурилган қарашлар мазмуни;
- Европа Шарқ олимлари, файласуфларнинг тарихий назариялари ва улар ҳамда табиблар тўғрисидаги асосий маълумотларни;
- ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибалар;
- сўнгги йилларда Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар каби масалаларни **билиши** керак.
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- тарихий жараёнларни тўғри англаш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ҳамда тавсияларини ишлаб чиқиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- тарихий тадқиқотларда жаҳон халқларининг цивилизация таракқиёт давомида эришган ютуқларини таълим жараёнида қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
- “Жаҳон цивилизацияси” фанидан таабалар ҳар бир тарихий даврда тарихий тадқиқотлар кўлами, ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммосини тадқиқотлари ва соҳа бўйича замонавий усулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- Жаҳон цивилизациясининг мукаммал, ривожланиб бориш жараёнлари, Европа Шарқ олимлари, файласуфларнинг тарихий назарияларини мукаммал ўрганиши;
- креативлик ва ижодийликни Жаҳон цивилизациялари тарихига оид фанларни ўқитишда қўллана олиши;
- Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари ривожланиб бориш жараёнлари ва долзарб муаммолари оид масалаларни тарих фанларини ўқитишда қўллана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари” модули мазмуни ўқув режадаги “Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи”, “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” ва “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммоари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида булутли ҳисоблаш, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммоларига оид маълумотларни ўқитишда қўллай олишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юклариси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амаий машғулот	Кўчма машғулоти
1.	“Цивилизация” терминининг XVIII-XIX асрда Европа илмига кириб бориши.	2	2		
2.	Қадимги Месопотомиянинг аҳолиси. Шумер муаммоси. Қадимги Миср маданияти. Миср гироглифлари. Илмий билимлар.	2	2		

3.	Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Ҳиндистон цивилизацияси. Хитой цивилизацияси.	2	2		
4.	Қадимги Юнонистон цивилизациясида Крит-микен маданияти. Ахей маданияти.	2	2		
5.	Морган системасида цивилизация. М.Вебер, О. Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Бродель, К. Ясперс, П.Сорокин, С.Хантингтон назариялари.	4		4	
6.	Ҳиндистон маданиятининг анъанавийлиги долзарб жиҳатлари. Ахей маданияти. Дорийлар. Буюк юнон мустамлакачилиги.	4		4	
7.	Қадимги даврда Рим жамияти. Патриций ва плебейлар. Рим фуқаролик жамияти. Рим салтанатининг ташкил топиши.	2		2	
8.	Салтанат: цивилизациясининг гуллаб яшнаши ва заифлашуви муаммолари. Рим ҳуқуқи. Рим цивилизацияси қулашининг сабаблари	2		2	
	Жами:	20	8	12	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. “Цивилизация” терминининг XVIII-XIX асрда Европа илмига кириб бориши (2 соат)

- 1.1. Ҳозирги замон фанида “цивилизация” тушунчаси.
- 1.2. Цивилизациянинг босқичли назариялари.
- 1.3. Цивилизация ва маданият тушунчаси таҳлили. Цивилизациялар ўртасидаги ягона маданият долзарб масалалари, ўзига хослик, хилма-хилликнинг ўзаро боғлиқлиги.

2-мавзу. Қадимги Месопотомиянинг аҳолиси. Шумер муаммоси. Қадимги Миср маданияти. Миср гироглифлари. Илмий билимлар (2 соат)

- 2.1. Қадимги Месопотомия маданияти.

2.2. Цивилизациялар тизимида Миср. Қадимги Миср жамиятнинг сиёсий тизими муаммолари.

2.3. Месопотомия цивилизациясининг сиёсий назарияси ва амалиёти, Ҳарбий иш, ҳуқуқ соҳасидаги мероси долзарб жиҳатлари.

3-мавзу. Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Ҳиндистон цивилизацияси. Хитой цивилизацияси (2 соат).

3.1. Қадимги Хитой ва Ҳиндистон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари, пайдо бўлишининг шарт-шароитлари.

3.2. Хитойда фан ва маданият.

3.3. Давлат тузилиш тизими ва эътиқодлари.

3.4. Хитой цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари.

3.5. Мохинжадаро ва Хараппа маданиятлари.

3.6. Шимолий Ҳиндистонда давлатларнинг вужудга келиши муаммолари. “Будда даври” Қадимги Ҳиндистоннинг маданий ривожланишининг асосий белгилари.

4-мавзу. Қадимги Юнонистон цивилизациясида Крит-микен маданияти. Ахей маданияти (2 соат).

4.1. Қадимги Крит ва Микен жамияти.

4.2. Эллада маданияти.

4.3. Илмий билимлар ва дин ривожи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Л.Морган системасида цивилизация. М.Вебер, О. Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Бродель, К. Ясперс, П.Сорокин, С.Хантингтон назариялари (4 соат).

2-амалий машғулот. Ҳиндистон маданиятининг анъанавийлиги долзарб жиҳатлари. Ахей маданияти. Дорийлар. Буюк юнон мустамлакачилиги. (4 соат).

3-амалий машғулот. Қадимги даврда Рим жамияти. Патриций ва плебейлар. Рим фуқаролик жамияти. Рим салтанатининг ташкил топиши (2 соат).

4-амалий машғулот. Салтанат: цивилизациясининг гуллаб яшнаши ва заифлашуви муаммолари. Рим ҳуқуқи. Рим цивилизацияси қулашининг сабаблари (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик,

фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Жаҳон цивилизацияси тарихининг ўрганиш муаммолари қандай натижа беради?”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: “Цивилизация” терминининг XVIII-XIX асрда Европа илмига кириб бориши.

РЕЖА:

1. *Цивилизация тушунчаси.*
2. *Цивилизация типлари ва турлари.*
3. *Тарихга цивилизациянинг ёндашуви.*
4. *Цивилизация пайдо бўлишининг шарт-шароитлари. Рим цивилизациясининг давомчиси.*
5. *Ўрта асрлардаги Византия маданияти. Россия цивилизациясининг ўзига хослиги.*
6. *Ўрта асрлар Фарб мафкураси. Индустрал жамият.*
7. *Фарбда гуманизм.*

Таянч иборалар: *Қадимги дунёдаги маданий тараққиёт ҳақида тушунча “Цивилизация” терминининг XVIII-XIX асрда Европа илмига кириб бориши. Л.Морган системасида цивилизация. Ҳозирги замон фанида “цивилизация” тушунчаси. М.Вебер, О. Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Бродель, К. Ясперс, П.Сорокин, С.Хантингтон назариялари. Цивилизациянинг босқичли назариялари. Инсон жамияти тараққиёти муаммосига синтетик ёндашуви йўллари излаш. Цивилизация ва маданият тушунчаси таҳлили. Цивилизациялар ўртасидаги ягона маданият долзарб масалалари, ўзига хослик, хилма-хилликнинг ўзаро боғлиқлиги. Антик мерос ва христианлик-Европа цивилизациясининг фундаментал асослари. Цивилизацияга қарши “Варварлик”. Рим ва варварлик дунёсини қоришма жараёни. Ўрта асрлар Европасини бирлиги ва хилма-хиллиги. Ердаги шаҳар ва худо шаҳри: давлат ва черков долзарб жиҳатлари Ўрта асрнинг тугаши. Европа ва дунё: океан цивилизациясининг тугилиши. Буюк географик кашфиётлар. Капитализм манбалари. Капитализм шаҳарда ва қишлоқда. Абсолютизм. Уйғониш даври ва реформация: шахснинг янги тип. Уйғониш даври: шахсиятпарастлик галабаси муаммолари. Реформация: шахсиятпарастлик чегараси. Саноатлантириш даврида гарб маданияти муаммолари. Технотрон жамият. Информацион жамият. Оммавий маданият.*

1.1. Цивилизация тушунчаси.

Цивилизация сўзи латинча “civil” -фуқароликка, давлатга, шаҳарга тааллуқли маъноларини англатувчи ўзакдан келиб чиққан. Бу сўз турли маъноларда қўлланилади. Кенг маънода - онгли мавжудотлар мавжудлигининг ҳар қандай шакли. Цивилизация маданият сўзининг синоними сифатида, кўпинча моддий

маданият маъносида ҳам қўлланилади. Цивилизациянинг яна бир маъноси маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи (Миср цивилизацияси, Месопотамия цивилизацияси ва б.). Цивилизация фанда ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи сифатида таърифланади.

Ушбу категориянинг серқирралиги ва кўп сермаънолиги туфайли унга аниқ таъриф бериш мушкул. “Цивилизация” нинг юздан ортиқ таърифлари мавжуд. Цивилизация тушунчаси «маданият» тушунчаси билан узвий боғлиқ равишда пайдо бўлган. Француз файласуф маърифатпарварлари ақл ва адолатга асосланган жамиятни цивилизациялашган жамият деб билганлар. Кўпчилик файласуфлар «цивилизация» деганда жамиятнинг моддий-техника ютуқларини, «маданият» деганда эса фақат унинг маънавий қадриятларини тушунишган.

XVIII асрдан «цивилизация» тушунчаси тарихчилар луғатидан мустаҳкам ўрин олди, шу даврдан цивилизациянинг турли назариялари шакллана бошлади. Ушбу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Қуйида биз айрим назариялар билан танишиб ўтамиз.

Дастлаб XVIII асрда А. Фергюссон ибтидоий жамият тарихини даврлаштириш мезони сифатида «маданиятнинг ўзлаштириш даражасини» илгари сурди: ёввойилик, варварлик, цивилизация. Кейинчалик швед олими С.Нилсон бу даврлаштиришни бир оз тўғирлади ва тўлдирди: ёввойилик, номадизм (юнон. номадос – кўчиб юрувчи, кўчманчилик), деҳқончилик ва цивилизация.

1877 йилда америкалик тарихчи ва этнограф Люис Морган (1818-1881 йй) ўзининг «Қадимги жамият» китобида цивилизация атамасини ягона маданий-тарихий жараённинг маълум даражасини белгилаш учун қўллашни таклиф этди. Морган системасида ҳам ибтидоий жамият тараққиёти ёввойилик, варварлик ва цивилизация босқичларидан иборат, аммо у ёввойилик ва варварлик даврларининг ҳар бирини, хўжалик ва моддий маданият тараққиётининг белгиларига кўра қуйи, ўрта ва юқори босқичларга бўлади. Ушбу даврлаштиришда ишлаб чиқариш кучлари ривожининг даражаси мезон бўлиб хизмат қилади.

Тарихни ўрганишга сивилizatсион ёндашув асосчиларидан бири табиатшунос олим Николай Данилевский (1822-1885) бўлган. У ҳар бири алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган, фаолиятнинг тўрт муҳим шакли ёки цивилизациялар «асоси» - диний, маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий асослар орқали намоён бўлувчи маданий-тарихий типлар (цивилизациялар) ҳақидаги концептсияни илгари сурган. Маданий-тарихий типлар, биологик организмлар каби, ташқи муҳит ва бир-бири билан узлуксиз кураш жараёнида бўлади ва вужудга келиш, вояга етиш, қариш ва ҳалок бўлиш босқичларидан ўтади.

Инглиз тарихчиси ва социологи А. Тойнби (1889-1975 йй) цивилизацияни яхлит ижтимоий тизим сифатида ифодалаган. У ўзининг ўн икки томлик “Тарихни англаш” асарида келтирган ўзаро ўрин алмашувчи локал цивилизациялар концептсиясида сивилizatсион тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида чақирик ва жавоб назариясини илгари сурди.

У 32 та сивилизатсини санаб ўтиб, тарихий жараённинг тўғри чизик бўйлаб ривожланиши ҳақидаги қарашларга қарши чиқди ва цивилизациянинг босқичли-сиклик ривожланишини таъкидлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, цивилизация атамаси икки асрларча олдин француз маърифатпарварлари томонидан мустақиллик, ҳақиқат, ҳуқуқий тизим ҳукмронлик қиладиган фуқаролик жамиятини таърифлаш учун ишлатилган. Лекин кўп ўтмай америкалик астролог Л. Морган ва ундан кейин энгелс "Цивилизация" атамасини кишилик жамиятини ривожлантиришни таърифлашда, яъни варварликдан – ёввойиликдан жамиятни тартибга тушиши, синфларнинг пайдо булиши, хусусий мулк пайдо булишида очишга ҳаракат қилишди.

О. Шпенглер цивилизация деганда маданий, тарихий жараённинг тугаши, унинг чиришини кўзда тутган ва бу терминни салбий маънода ишлатган.

А. Тоинби минтақавий цивилизацияларга эволюцион жараён сифатида қараган. У "А Студий оф Ҳисторй" (1934-1961р) асарида қуйидагиларни тирик цивилизация деб атади:

- 1) Ғарб жамияти Ғарб христанлиги билан биргаликда;
- 2) Жанубий Шарқий Европа ва Россияда православ христиани ёки Византия жамиятининг жойлашиши;
- 3) Шимолий Африка ва Ўрта Шарқдан Буюк Хитой деворигача ислом жамияти;
- 4) Хиндистонда ҳиндулик жамияти;
- 5) Жанубий Шарқ Осиёсида Узоқ Шарқ жамияти.

Америкалик профессор С. Хантингтон цивилизация атамасини "ривожланган" маъносиде тушунади. 1993 йилнинг ёзиде "Форш аффейрз" журналида профессор С. Хантингтоннинг "Цивилизациялар тўқнашуви" деб номланган мақоласини чоп қилди. Шу ном билан 1997 йилда Америкада китоб ҳам чоп қилинди. Буларда айтилишича, кейинги уруш цивилизациялар уруши бўлади ва бу уруш ўз-ўзини йўқ қилувчилар уруши бўлади, дейди.

Айрим файласуфлар маданият ва цивилизация тушунчаларини бир-бирига қарама-қарши қўйганлар. Чунончи, немис файласуфи ва тарихчиси О. Шпенглер (1880-1936 йй) нинг фикрича, «цивилизация» ҳар қандай маданият тараққиётининг муайян тугал босқичини билдиради. Цивилизацияни бундай давр таназзули сифатида тушуниш маданиятнинг бир бутунлиги ва табиийлигига зиддир. Шпенглер ижтимоий тараққиётнинг бир чизикли европоцентристик схемасига танқидий ёндашган. У инсоният тарихида саккиз маданият: Миср, Ҳинд, Бобил, Хитой, Юнон-рим, Шарқ, Ғарбий Европа ва Майя маданиятларини фарқлаган. Шпенглер фикрига кўра, ҳар бир маданий организм маълум ҳаёт муддати (тахминан минг йил) мобайнида мавжуд бўлади, шундан сўнг у цивилизацияга айланади ва ҳалок бўлади. Ҳар бир маданият ўз теран мазмунига эга бўлади ва тарихий жараёнда бир хил аҳамият касб этади.

Француз тарихчиси Ф. Бродел (1886-1944 йй.) жаҳон тараққиёти муаммосига ўзгача ёндашган. Ўтмиш ҳодисаларини тушунтиришда Бродел ва бир қатор бошқа француз тарихчилари тарихий қонуниятлар ёки тасодифийликка биринчи даражали эътибор қаратмасдан, биринчи ўринга

“муҳит” (тарихий вақт) омилини қўйишган. Уларни биринчи навбатда халқларнинг ҳаёти, турмуши ва менталитети қизиқтирган.

Немис файласуфи К.Ясперс (1883-1969 йй.) ўзининг “Тарих манбалари ва унинг мақсади” асарида сивилизатсион тараққиётнинг босқичма-босқич ривожланиши концептсиясини илгари сурди: тарихгача бўлган давр, қадимги давр маданияти, вақт ўқи (жаҳон тарихининг бошланиши), техник давр (ягона жаҳон тарихига ўтиш).

Социолог П.Сорокин (1889-1968 йй.) инсоният маданиятининг бутунжаҳон-тарихий тараққиёти назариясини яратди. У бу тараққиётни улкан маданий супертизимлар доирасида кўриб чиқди.

Олимларнинг фикрича цивилизациянинг моҳиятини, унинг ўзига хослигини турли омиллар белгилайди: табиий муҳит, хўжалик юритиш тизими, сиёсий тузим, жамиятнинг ижтимоий ташкилоти, дин (ёки дин даражасига чиқарилган мафкура), маънавий қадриятлар, менталитет. Уларнинг нуқтаи назаридан, инсоният тараққиёти цивилизацияларнинг бир-бири билан ўрин алмашашиши шаклида боради, уларнинг ҳар бири ўз маданий-тарихий анъаналари, ахлоқ нормалари, диний тизимларини ишлаб чиқади.

1.2 Цивилизация типлари ва турлари.

Цивилизациянинг ҳал қилувчи белгиси инсон ва жамиятнинг моддий-маънавий ва бадиий соҳалардаги ўзгартирувчанлик фаолиятидир.

Цивилизация тушунчаси аксарият ҳолларда инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг яқунларини ўзида акс эттиради.

Ҳозирги даврда баъзи манбаларда цивилизациянинг ижтимоий-иктисодий форматсиялар тушунчаларига ўзаро қарама-қарши қўйиш ҳоллари учрайди. Аслида бу тушунчаларни ўз ўрнида ишлатиш лозим.

Кишилиқ жамияти ривожланишини англатадиган ижтимоий-иктисодий форматсияни цивилизация билан тенглаштириш ҳам, унга қарама-қарши қўйиш ҳам тўғри келмайди.

Цивилизация – лотин тилида фуқароликка, давлатга тааллуқли деган маънони англатади.

Қадимги Римнинг сўнгги даврларида "Маданият" тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини ифодаловчи мазмунлар билан бойиган. Ўрта асрларга келиб кенг тарқалган.

Ўрта аср маданиятининг Ўрта Осиёлик намояндалари – Фаробий, Ибн Сино, Берунийлар шаҳар турмуш тарзини жамиятнинг етуклиқ шакли сифатида талқин қилганлар.

Масалан, Фаробийнинг фикрича, "ҳар бир инсон табиатига кўра, олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади". Бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқали эришилади.

Унинг таъкидлашича, маданий жамият ва маданий шаҳар шундай бўладики, унда ҳар бир одам касб-хунардан озод, ҳамма баробар, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди. Кишилар чин маънода озод яшайдилар. Кейинчалиқ

цивилизация моддий маданият тушунчасини англата бошлади ёки варварликдан кейинги тараққиёт босқичини ифодалади.

Умуман, цивилизация тушунчаси ХВИИ асрда маданият тушунчаси билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Шу асрда яшаган француз маърифатпарвар файласуфлари Волтер, П. Тюрго, Ж. А. Кондерсе ақл ва адолатга асосланган тизимни цивилизацияли жамият деб билганлар. Маърифатпарварлик даврида цивилизациянинг "танқиди" вужудга келган. Ж. Руссо бунда "маданий" миллатларнинг бузилганлиги ва ахлоқий тубанлашганлигига тараққиётнинг патриархал босқичида бўлган ҳалқлар ахлоқининг соддалиги ва софлигини қарши кўяди.

Немис классик фалсафасининг намаёндалари ана шу танқидий муносабатдан келиб чиқиб, буржуа цивилизациясининг зиддиятларига барҳам беришнинг умумназарий йўллариини изладилар.

Улар зиддиятли ҳолатдан чиқишнинг йўлини "руҳ" доирасидан ахтардилар. И. Кант – ахлоқий, Ф. Шиллер – эстетик, Г. Гегел философик онг доирасидан изладилар.

ХИХ асрда цивилизация тушунчасига капитализмнинг яхлит тавсифи сифатида қаралди. Лекин бундай тасаввур ҳукмрон тушунча эмас эди.

О. Шпенглернинг "Маҳаллий цивилизация" таълимотига кўра, цивилизация ҳар қандай маданият тараққиётининг муайян тугал босқичидир. Индустрия ва техника тараққиёти, санъат ва адабиётнинг инқирозга учраши, аҳолининг йирик шаҳарларга тўпланиши, халқларнинг ўз киёфасини йўқотиб, тўдага айланиб бориши унинг асосий белгиларидир.

Бу назария цивилизацияни муайян жамият тараққиётининг сўнгги босқичи сифатида олиб қараб, уни маданиятга қарши кўйди.

Бундай хато тасаввурлар Россияда Н. Е. Данилевский, П. А. Сорокин, Буюк Британияда А. Тоинби томонидан ривожлантирилди. Бу ва бошқа идеалистик таълимотлар ҳақиқатга зид бўлиб, цивилизациянинг табиатини, унинг ҳаракатлантирувчи кучларини очиб бера олмайди.

Умуман олганда, жамият ривожининг ҳар бир босқичи прогрессивдир. Аммо айрим ўзгаришлар жамиятдаги умуминсоний қадриятларни рўёбга чиқаришга жавоб бера олмаслиги мумкин.

1.3 Тарихга цивилизациянинг ёндашув.

Цивилизациянинг асл маъноси тараққиёт демакдир. Яъни, цивилизация – энг юксак тартибдаги маданий муштарақлик, кишилар маданий қиёфасининг кенг кўламли даражаси.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсоният тарихида 20 дан ортиқ цивилизация ва ундан кўпроқ субцивилизацияларнинг шоҳиди бўлган. Улардан кўпчилиги ҳозирги дунёда ҳам амал қилаётир. Масалан, Ғарб, Ислон, конфутсийлик, япон, православ-славян, Лотин Америкаси, Африка цивилизациялари шулар жумласига киради.

Бундан ташқари Европа ва Шимолий Америка, турк ва араб сингари субцивилизациялар ҳам бор.

Ғарб ва Шарқ эса, икки суперцивилизация ҳисобланади. Субцивилизация – бу цивилизация таркибидаги алоҳида мавқеъга эга бўлган тараққиётдир. Суперцивилизация эса, тараққиётнинг энг юқори чўққиси ва олдинги юксаклигидир.

Цивилизациялар ҳар доим кишилик муштараклигининг энг юқори чўққиси бўлган ва шундайлигича қолади. Улар бугунги кунда ҳам тил, тарих, дин, удумлар сингари умумий, мутлақо объектив бўлган жиҳатлари мавжудлиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Турли цивилизацияга мансуб кишилар, индивид ва гуруҳ, фуқаро ва давлат, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларга турлича қарайдилар. Ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, эркинликлар ва мажбуриятлар, тенглик ва иерархал мутаносиблиги тўғрисида ҳар хил тасаввурга эга бўлдилар. Бу тафовутлар юз йиллар давомида жамланади.

Улар мафкуралар ва сиёсий тартиблар ўртасидаги тафовутларга қараганда янада бардошли бўлади.

Редярд Киплинг ўзининг "Шарқ ва Ғарб хақидаги баллада"сида шундай деб ёзган эди: "Ғарб – бу Ғарб, Шарқ – бу Шарқдир. Улар еру кўк ҳали кўрқинчли қиёмат кунда кунпаякун бўлмагунча бир жойда бошларини қовуштирмайдилар".

Бу сўзлари билан муаллиф, гарчи инсоният тобора кўпроқ интегратсия ва ассимилятсия жараёнига киришаётган бўлса-да, уларнинг маданий, маърифий тараққиёти ва урф-одатларида ўзига хослик сақланиб қолаверади, демоқчи.

Яъни, ишчилар деҳқон турмушига ўтиши ва улардек яшаши мумкин булса-да, рус кишиси қанчалик ҳохламасин, озарбайжон, эстон ёки арманга айлана олмайди. Биз бу тўғрида кейинги дарсимизда тухтаймиз.

Фаннинг предмети – ер юзининг одамзод яшайдиган қисмидаги инсоният ақли-заковати, ўз қўли билан яратган моддий ва маънавий маданият тарих ва тараққиёт. Шунингдек, инсоният тараққиётига ҳисса қўшган энг йирик мамлакатлар ва давлатлар, халқлардир.

1.4 Цивилизация пайдо бўлишининг шарт-шароитлари. Рим цивилизациясининг давомчиси.

Европа қитъаси қийин тарихий шароитни босиб ўтди. Милод бошларида Римда цивилизация гуллаб яшнаган бир пайтда халқларнинг “Буюк кўчиш”лари юз беради. Римга кўшни ҳудудларида яшовчи герман қабилалари IV-VI асрларда антик давр цивилизациясини йўқ қилишди. Вестготлар дастлаб империя ерларига босқинчилик юришларини амалга оширдилар. Сўнгра вандаллар агрессив юришлари йўлида учраган бор нарсани вайрон қилдилар. Шу даврдаги “вандализм” тушунчаси бузғунчилик маъносини билдиради. Рим империяси қулаб ўрнида қатор герман давлатлари вужудга келади. Ғарбий Европада феодализмга ўтиш Рим ва варвар жамиятлари синтези остида юз беради.

Ғарбий Европа цивилизацияси – бу мураккаб комплекс бўлиб, у кўплаб давлатлар ва сиёсий-иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланган тарихий жараённи ҳосиласидир.

Европани бирлаштириш ҳаракатлари VIII-IX асрларда бошланди. Карл буюк (768-814) қитъани катта худудини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Кўпгина тарихчилар бу жараёни Рим империясини қайта туғилиши деб ҳисоблайдилар. Ёки Карл буюк ва Оттон I давлатларини ёш Ғарбий Европа цивилизациясининг асоси сифатида ҳам қарашади. Албатта бу цивилизация католик черков таъсирида ҳам шаклланди. Бироқ, асосий манба: антик давр мероси ва германлар дунёси аралашуви бўлиб қолаверди.

313 йилда Римда христианлик дини давлат дини деб эълон қилинди. VI аср бошларида дастлабки манострлар вужудга келиб, биринчи марта авлиё Бенидинт Монтикассинода асос солган бу ерлар анча вақт маориф марказлари ҳам бўлиб келган. Рим вестготлар томонидан эгалланганидан сўнг А.Августин “Худо шахри тўғрисида” номли асарини ёзган. Унда черковни қудрати ҳақида сўз боради. Шундай қилиб теократик (руҳонийлар ҳокимияти) вужудга келади. VIII асрда Папалар давлати пайдо бўлди ва улар қироллар томонидан катта ер ҳамда имтиёзларга эга бўлишади. Папалар давлати марказлашган давлат тусини олади. Кейинчалик католик черков феодаллашиб индульгенциялар орқали бойиб кетади. Папалар XI-XIII асрларда ўз қудрати чўққисига чиқади. 1096-1770 йилларда салб салб юришларини уюштиради. Мақсад эса бойлик орттиришдан иборат эди. Бироқ, черков ҳокимияти узоққа чўзилмади. XIV асрдан Европада марказлашган давлатлар вужудга келди. Папалар давлати инқироzi бошланади.

1.5. Ўрта асрлардаги Византия маданияти. Россия цивилизациясининг ўзига хослиги.

Шарқий Рим ёки Византия империяси пайдо бўлишига турли ёндашувлар бор, айрим тарихчилар буни император Константиннинг эски юнон шаҳри Византия ўрнига асос солган янги шаҳар (339) (Константинополь) билан, айрим тарихчилар эса император Феодосийнинг ўғли (355) Аркадий билан, лекин тарихчилар кўпроқ 476 йил Ғарбий Рим қулаши натижасида тарих сахнасида империянинг шарқий қисми ўзини сақлаб қолгани билан боғлашади.

Шарқий қисми – Ғарбий қисмдан кучлироқлигини ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва молиявий сабаблар билан ифодаласа бўлади.

Шарқий қисмнинг иқтисодий кучи, худудда (Миср, Шимолий Месопотамия, Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Болқон ярим ороли) шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик анча юксаклиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосан эркин дехқонларга суянганлиги ва марказий ҳокимиятни кучлироқлиги билан ажралиб туради.

Қулдорлик тузуми ҳам кескин тушунқунликка учрамайди, бунга асосий сабаб кўл ғарбидаги асосий ролни ўйнаган. Шарқий империясида жамоатчи дехқонлар давлат дехқонлари бўлиб ўз ерлари, шахсий мулк ва хўжаликлари бўлган. Шарқий Римнинг илк юксалиши император Юстиниан билан боғлиқ (527-565 йй).

Юстиниан Византия тилида йирик император, давлат арбоби, Саркарда ва қонунчи сифатида тарихга киради,

Юстиниан ва собиқ Рим империяси мақсадида Варвар (534 – Вандаллар қироли, 555-Остготлар ва Вестготлар қироллигини) давлатларини босиб олди. Ўрта ер денгизи ички денгизга айланди.

Лекин Юстиниан даврида худди Ғарбий Рим империясига варвар қабилаларни сиқиб чиқариши Шарқий империяда ҳам юз берди, Болқон ярим ороли жанубий славян қабилаларини ва Лангобардларни бостириб кириб кулдорлик тузумини емиришига ва янги феодал муносабатларни шаклланишига олиб келди.

Юстиниан тарихга йирик қонунчи сифатида ҳам ном қолдирган. 528-534 йилларда тўрт қисмдан иборат юридик кодекслар яратилган

- I. 12 томли (жилдли) Юстиниан кодекси – Рим императорини қонунлари;
- II. Дигестлар – 50 та китоб – машҳур юристларни асарларидан парчалар;
- III. Институциялар – судьялар ва ўқувчи юристлар учун қўлланма;
- IV. Новеллалар – Юстиниан кодексига кирмаган янги қонунлар.

Қонунларда кулдорлик тузуми емирилиши ва шахсий мулкдорларни пайдо бўлиши юридик ҳужжатларга эътибор қаратилиши кўзга ташланди, бу қонунларни чиқаришдан мақсад бир томондан кулдорлик тузумини сақлаб қолиш.

Юстиниан умри охирида барпо этилган давлат емирила бошланди, бунга асосий сабаблардан бири босиб олинган ҳудудларда кулдорлик бекор қилинмаганлиги, аксинча маҳаллий аҳоли устидан зулм кучайтирилганлиги, ҳарбий ришларни молиявий қоплаш эса солиқларни оширди, бу эса эркин дехқонларни норозилигига олиб келди. Ҳарбий мағлубиятлар Византияни шарқда ҳам учради, яъни аввалги Эрон ўрнига янги асосий душман араблар пайдо бўлди.

636-642 йиллари Византия, Сурия, Фаластин, Юқори Месопотамия, Миср ва бошқа ҳудудлардан маҳрум бўлди. 602 йили Константинопольда сарой тўнтариши натижасида Юстиниан сулоласи тахтдан туширилиб янги Ираклий сулоласи келди Юстиниан сулоласини охирги вакили Маврики тўнтариш натижасида бутун оиласи билан сўриб ташлади.

Император Ироклий вақтида (610-641) империя озмунча мустаҳкамланди, Эронликлардан Сурия, Фаластин, Миср қайтариб олинди, лекин бу кўпга бормади, VII аср 30-40 йилларида бу ҳудудларни араблар тортиб олди.

Ироклий ворислари даврида Византия ҳудуди янада қисқарди, Шимолий Африка араблар томонидан, болқон ярим ороли Болгария (679) давлати томонидан тортиб олинди.

(Юстиниан даври билан солиштирилса Византияда фақат Болқон ярим оролини жанубий қисми, Жанубий Италиянинг бир қисми, Қрим ярим оролининг бир қисми, Кичик Осиё ва Архепелаг ороллари).

VII асрда Византияда ҳудудий ўзгаришлардан ташқари ички, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳам рўй берди, Александрия ва Антиохия

йўқотилганидан сўнг Константинополь Шарқ ва Ғарб ўртасида муҳим савдо кўпригига айланди, қулдорликни емирилиши тезлашиб феодализмни ривожланиши давом этди.

VII аср бошларида Византия ҳудудига славян қабилаларини кириб келиши ер муносабатларга кескин ўзгаришлар олиб келди, шу даврга оид манбаларга қараганда ўзига хос “Дехқончилик қонуни” ер ва ерга эгалик қилиш турлари яққол кўрсатилган.

Византиядаги келгинди славян деҳқон аҳолининг аҳволи “Дехқончилик қонуни”да жуда яхши таърифланган, бу манба VIII асрга оиддир, лекин унда VII асрдаги аграр муносабатлар ҳам акс этган. Ушбу манбага қараб фикр юритилганда, бу деҳқонлар эркин аҳоли бўлиб, уларнинг ўз экинзорлари, токзорлари ва боғлари бўлган. Деҳқонларнинг хўжалигида деҳқончиликнинг ўзидан ташқари, чорвачилик ҳам катта роль ўйнаган. Ҳар бир деҳқоннинг ер участкаси экинзор, токзор ёки боғдан иборат бўлиб, унинг ўз хусусий мулки деб ҳисобланган, лекин унда жамоа ер эгалигининг аломатлари очиқ кўриниб турар эди.

XIII аср бошида Византия араблар томонидан сиқила бошлади, Кичик Осиёга бостириб кириб, Кипр ва Родос ороллари босиб олинди 717-718 йилда, бир йил давомида Константинополь қамал қилинди, лекин Константинополь бунга бардош берди ва араблар шаҳарни босиб олишдан қайтишди. Константинопольнинг қулай стратегик мавқеи, Византияликларнинг “Треклар ўти” деб аталган ўтти ишлатиши, императорга иттифоқчилар, яъни Болгарларнинг ёрдам бериши натижасида, араблар катта талофат кўриб, чекинишга мажбур бўлдилар. Янги сайланган император Лев III Исавр истеъдодли ташкилотчи ва қобилиятли олий қўмондон бўлиб чиқди. У Сурия билан чегарадош Исаврия вилоятдан чиққан бўлиб, янги исаврлар династиясига асос солгандир. Исаврлар династияси Византияни бутун бир юз йил давомида (717-802) идора қилди. Лев III (717-740) ва унга ёрдамчи бўлиб, унинг ўрнига император бўлган. Константин у (740-775) арабларга қарши курашда катта тажриба орттирган ҳарбийлар эди. Лев III император бўлгандан кейин ҳарбий ишга катта эътибор берди. VII асрда Ираклий ва унинг ворислари давридаёқ Византия ҳукумати ёлланма кўшнилари қўшимча равишда маҳаллий лашкарлар тўплаган қисмини амалга оширган, бу маҳаллий лашкарлар маҳаллий маблағлар ҳисобидан таъминланарди. Лев III замонида бу ҳарбий реформа янада ривож топди.

Византиянинг асосий рақиби бўлган араб халифалиги майда давлатларга бўлиниб кетди, Македониялик сулола даврида империя ҳудуди кенгайиб борди, араблардан Крит, Кипр ороллари, Антиохия шаҳри билан бирга Суриянинг катта қисми қайтариб олинди, славян давлатлари билан муносабатлар ёмонлашиб кетди, Болгария подшолиги босиб олинди, Болқон ярим оролидаги серб, харват ва бошқа қабилалар ҳудуди қисқа вақт бўлсада бўйсундирилди. Македонияликлар сулоласи даврида Византия ва Рус давлати ўртасида яқинлашув юз берди.

1.6. Ўрта асрлар Ғарб мафкураси. Индустириал жамият.

Кўпгина тадқиқотчилар ўрта асрлар ва янги давр чегарасини аниқлашда баҳслар олиб боради. Баъзилар Англия буржуа инқилоби янги тарихни бошлаб берди, деган фикрни илгари суради. Аслида ўрта асрларнинг сўниши бошланди. XV асрдаёқ буюк географик кашфиётлар Ғарбий Европа чегарасини бузиб юборди. Одамлар дунёқарашини ўзгарди, илмий билимларга қизиқиш кучайди. XV аср Европа учун бошқа халқлар билан ўзаро алоқаларда кескин ўзгаришлар даври бўлиб хизмат қилди. Савдо-сотиқни ривожланиши билан металга талабнинг ортишига олиб келди. Натижада янги савдо йўллари очиш учун ҳаракат бошланди. Уни биринчи бўлиб португаллар ва испанлар бошлаб беради. Бунинг натижаси эса океан ёки глобал цивилизацияни вужудга келтирди. Шунингдек, янги дунё билан танишув илмий билимларни ҳам кенгайтиришга олиб келади. Н.Коперник, Ж.Бруно, Г.Галилей, Р.Паскал, Декарт, Бекон каби олимлар етишиб чиқди.

Шу билан бирга шаҳарларнинг ташқи ва ички ҳаёти ўзгариб борди. Мануфактура шаҳарларни эгаллаб олди. Унинг ҳам икки формаси мавжуд эди. Марказлашган ҳамда тарқоқ ҳолат. Шунингдек, янги дворянлар қатлами ва ишчилар қатлами вужудга кела бошлади.

1.7. Ғарбда гуманизм.

XV-XVI асрларда Ренесанс ва Реформация Ғарбий Европа маънавий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Реформация Германияда Мартин Лютер томонидан бошланди. У ўзининг “95 тезис”ида католик папасининг кирдикорларини фош этади. Бу жараён кейин кенг тус олиб натижада протестантлик оқими пайдо бўлди.

Ренесанс XVI асрда Италияда бошланди. Рассомликда Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланжело кабилар инсонларни маънавий ҳаётини яъни ички дунёсини очиб беришни шў мақсадлари қилиб қўяди. Адабиётда У.Шекспир, М.Сервантес кабилар ўз асарлари билан янги даврни бошлаб беради.

Умуман олганда, реформация ва буюк географик кашфиётлар янги тарихни ва ёш, ғарб цивилизациясини бошлаб беради. Ишлаб чиқариш муносабатларини бошқа шакллари вужудга келади. Европа давлатлари биринкетин капиталистик ривожланиш йўлига ўтдилар. Саноат инқилоби юз беради. Фан ва техниканинг юксалиши АҚШ-нинг дунё миқёсида раҳнамоликка йўлни очиб беради.

Саноатлантириш даврида ғарб маданияти юксалди. Энди технотрон жамият ва информацион жамият тушунчалари пайдо бўлди. Оммавий маданият тушунчаси кенг ишлатила бошланди. Мазкур қараш ва тушунчалар бугунги кун ғарб чикивизациясининг ёрқин кўриниши сифатида намоён бўлмоқда.

2-мавзу: Қадимги Месопотомиянинг аҳолиси. Шумер муаммоси. Қадимги Миср маданияти. Миср гироглифлари. Илмий билимлар.

Таянч иборалар: Қадимги Месопотомиянинг аҳолиси. Биринчи деҳқончилик худудларининг ўзлаштирилиши. Шумер муаммоси. Семит қабилалари. Милоддан аввалги IV-III минг йилликларда Шумер. Аккад ва Ур ҳукмронлиги даврида Месопотомия. Қадимги Миср жамиятнинг сиёсий тизими муаммолари. Иқтисод ва социал институтлар долзарб жиҳатлари. Қадимги Миср маданияти. Миср гироглифлари. Илмий билимлар. Қадимги Миср санъатининг ўзига хос хусусиятлари.

Цивилизация пайдо бўлиши шарт-шароитлари.

Энг қадимги цивилизациялардан бири Миср қулай табиий – географик жойлашувга, бой табиий ресурсларга эга бўлган, савдо, сиёсий ва маданий алоқалар чорраҳасида жойлашган ерда вужудга келган. Цивилизациянинг моддий асосини яратиш учун зарур бўлган барча нарсалар Мисрнинг ўзида ёки унга ёндош ерларда мавжуд бўлган. Металлар, асосан мис Арабистон саҳролари ва Синай ярим оролидан, олтин эфиопиядан келтирилган. Нилни ғарбдан шарққа томон ўраб турувчи тоғлардан чақмоқтош, Қоҳира атрофидаги Тур тош конларидан оҳақтош, Асуан яқинидан мраммарнинг қимматбаҳо навлари қазиб олинган. Мамлакат ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам бой бўлиб, мисрликлар хўжалик ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Илк одамлар Нилнинг бўйларида неолит даврларида пайдо бўлишган. Бу ерга уларни ташқи шароит бошлаб келган: иқлим қуруқлашиб, саҳро бостириб кела бошлаган. Дастлаб Нил водийси чеккаларига жойлашган одамлар деҳқончилик, чорвачилик, ов, балиқчилик ва термачилик билан шуғулланишган. Илк деҳқон жамоалари м.а. VI-V минг йилликда Қуйи Мисрда Фаюм водийсида мавжуд бўлган. Фаюм манзилгоҳида ғалла экинлари экилган, йирик ва майда қорамол боқилган ва балиқ тугилган.

Воҳанинг қулай табиий шароити туфайли манзилгоҳлар ривожланиб, уларнинг аҳолиси турмуши фаровонлашиб борган. Илк деҳқончилик маданияти шаклланган. Бунга мисол тариқасида Бадари маданиятини кўрсатиш мумкин. Юқори Мисрдаги Бадари маданияти (ер. авв. IV минг йиллик) га тегишли аҳоли ўтроқ тарзда уруғ жамоси бўлиб яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Ерга мотиға билан ишлов берилиб, кичик каналлар қазилган. Ов ва балиқчилик ҳам мавжуд бўлган. Бадарийлар хунармандчилик соҳасида катта ютуқларни қўлга киритганлар.

Машаққатли кечган Нилни бўйсундириш жараёнида мисрликлар ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Меҳнат шароитлари ўзгарди, уни ташкил этиш билан асосан қабила бошлиқлари ва қоҳинлар шуғулланишган. Бу эса мулккий тенгсизликни бошлаб берди. Ҳар бир суғориш хўжалиги инсонларни

кандайдир ҳудудий бирликка, ўзига хос қўшничилик жамоасига – номларга бирлаштирди. Давлат ташкил этилишидан олдинги даврда Мисрда 40 га яқин шу каби номлар мавжуд эди. Уларнинг бирлаштирилиши оқибатида ўзаро рақобатчи икки подшолик – Юқори ва Қуйи Миср вужудга келди.

Цивилизациялар тизимида Миср.

Юқори ва Қуйи Миср ўртасидаги узок давом этган кураш Қуйи ва Юқори Мисрнинг ҳомийлари бўлган худолар Гор ва Сет ўртасида борган кураш тўғрисидаги диний афсонада ўз аксини топган. Миср цивилизацияси тарихи давомида мавжуд бўлган икки мамлакат фиръавни унвони ва давлат маъмуриятининг иккига бўлиниши ҳам Юқори ва Қуйи Мисрнинг алоҳида подшолик сифатида узок муддат мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Мисрнинг бу икки қисмининг бирлашиши билан уларнинг рамзи бўлган қизил ва оқ ранглардан иборат тож Миср цивилизациясининг якунига қадар подшолик рамзига айланди.

Илк подшолик даврида сунъий суғоришнинг хўжалик маданияти асосида Миср цивилизациясининг иқтисодий ва сиёсий тизимлари шакллана бошлаган. Бу давр асосий функсияси Нил водийсида суғориш ишини ташкил этиш бўлган умуммиср давлат апарати ташкил топиш даври эди. Юқори маҳсулдор бўлган қишлоқ хўжалиги моддий маданиятнинг тараққий этишига асос бўлди. Ҳунармандчилик ривож топди. Илк подшолик давридаёқ мисрликлар папирус тайёрлашни билишган. Папируснинг пайдо бўлиши цивилизация ривожининг асосий омилларидан бири бўлган ёзувнинг кенг тарқалишига туртки бўлди.

Қадимги подшолик даври 500 йилдан ортиқ давом этди (м.а.2800-2300 йй). Бу даврда Миср қўшнилари билан муваффақиятли урушлар олиб бораётган йирик марказлашган давлатга айланди, Миср цивилизациясининг идеаллари ва асосий кадриятлари шаклланди.

Мамлакатнинг мустаҳкам яхлитлиги унинг иқтисодий гуллаб-яшнашига асос бўлди. Қадимги подшолик даври иқтисодида олий амалдорлар хўжалиги катта рол ўйнаган. Подшо ва ибодатхона хўжаликлари ҳам амалдорлар хўжалигига ўхшаш бўлган. Уларни бирлаштирган хусусият кўпсонли хизматчилар устидан ўрнатилган кучли назорат, меҳнат ва унинг натижасини қаттиқ ҳисоб-китоб қилиш бўлган.

Шаклланган Миср давлатининг тепасида юнонлар фиръавн (мисрча пер-о – “улуғ уй”, “катта хонадон” сўзидан келиб чикқан) деб атаган ҳукмдор турган. Фиръавн одам қиёфасидаги худо деб тасаввур қилинган. У чекланмаган иқтисодий, сиёсий ва олий коҳинлик ҳокимиятига эга бўлган. Қадимги подшолик давридаги Миср цивилизацияси Қадимги Шарқ деспотиясининг ноёб намунасидир. Деспотиянинг моддий тимсоли фиръавнларнинг муҳташам даҳмалари – пирамидалар бўлган.

Давлат бошқаруви тизими якка ҳукмронликка, чекланмаган ҳокимиятга эга подшонинг илоҳийлигини тарғиб этувчи диний мафкурага асосланган. Фиръавннинг энг яқин ёрдамчиси олий амалдор-чати (бош вазир) бўлган. У

бир вақтнинг ўзида бош судя, фиръавн номидан мамлакат хўжалигининг умумий назоратини амалга оширувчи, бир қатор давлат амалларининг эгаси бўлган. Бу юксак амални одатда подшонинг ўғли эгаллаган.

Тарқоқлик ва номлар ўртасдаги кураш Миср цивилизацияси фаровонлиги ва тараққиётининг асоси бўлган суғориш тизими ҳолатига салбий таъсир кўрсатди. Бирлашиш жараёнига иккита марказ бошчилик қилди: шимолдаги Гераклеопол ва жанубдаги Фива. Курашда якуний ғалабани Фива подшоси Ментухотеп II қўлга киритди ва мамлакат яхлитлигини тиклади. Ушбу ходисадан Ўрта подшолик даври бошланди (м.а. 2050-1700 йй). Бу Миср цивилизацияси тарихидаги мураккаб, шу билан бирга аҳамиятли давр эди.

Тахминан м.а. 2000 йилда Аменемхет II нинг фиръавн бўлиши билан Ўрта подшоликнинг гуллаб-яшнаш даври бошланди. Мамлакатни бирлаштиришга ва марказий ҳокимиятни кучайтиришга интилган фиръавнлар номархларни ўз таъсир доираларига олишга уриндилар.

Аменемхет ва Сенусерт номлари билан 8 та фиръавн ҳукмронлик қилган бу даврда мисрликлар ўз қўшнилари билан муваффақиятли урушлар олиб бордилар, бронза қуйиш ва шиша тайёрлашни ўзлаштирдилар. Бу даврда ҳунармандчилик, жумладан тўқимачилик ривож топди. Ягона Мисрнинг ташкил топиши ташқи савдонинг янада тараққий этишига олиб келди.

Миср моддий бойлигининг асосий яратувчиси бўлган меҳнаткаш халқ “подшо одамлари” деб номланган. Уларнинг асосий мажбурияти қайси ер-мулкка бириктирилганидан қатъий назар ўз касблари доирасидаги ишни бажариш эди. Касб ва ҳунар бўйича тақсимланиш мисрликларнинг ихтиёрида эмас эди.

М.а. 1700 йил атрофларида шарқдан Мисрга Жанубий Сурия ва Шимолий Арабистон қабилаларининг иттифоқидан иборат гиксослар бостириб келди. Шимолий Мисрда ўрнашиб олган босқинчи гиксослар мисрликларни йилқичилик, жанг араваси, жангларда отлик қўшиндан фойдаланиш билан таништирдилар.

Гиксосларга қарши курашни ташкил этган Фива номининг ҳукмдори Яхмос нафақат босқинчиларни қувиб чиқди, балки мамлакатни бирлаштирди. Шу тариқа м.а. 1600 йил атрофларида Миср цивилизацияси Янги подшолик даврига қадам қўйди.

Янги подшолик даврида (м.а. 1580-1085 йй) Миср иқтисодий кўтарилишни бошидан кечирди ва Шарқий Ўртаер денгизида ҳукмрон мавқени қўлга киритди. Темир пайдо бўлди, аммо у ҳали ноёб металл сифатида қабул қилинарди. Янги подшолик даврида металлургия тараққий этди, янги техника ва технологиялар жорий этилди. Масалан, тери босқон, такомиллашган омов, шадуф ва ҳ.к.

Янги подшоликнинг иқтисодий юксалиши фиръавнларнинг босқинчилик сиёсати билан боғлиқ эди. Жангларда тобланган қўшин Миср подшоларининг таянчига айланди. Жангчилар давлат таъминотида эди.

Қарам ерлар ва Миср аҳолисини таланиши натижасида ҳукмрон табақа, айниқса кўп сонли яхши уюшган қўшинлар табақаси бойиб кетган. XVIII сулола даврида Фивадаги Амон ибдоатхонаси ниҳоятда катта обрў – эътиборга

эга бўлган. Мамлакатда Амон ибодатхонаси коҳинларининг мавқеи кучайиб, улар Миср иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсата бошлаганлар. Бу ҳолат давлат ҳокимиятига катта муаммоларни туғдирган. Натижада Аменхотеп IV диний ислоҳот ўтказган. Аменхотеп IV (м.а 1372-1354 йй) даврида “қуёш шуъласи” худоси Атон биринчи ўринга қўйила бошланган. Бу фиръавннинг ўз номини эхнатон деб ўзгартиришида ҳам ўз ифодасини топган. Шу билан бирга эхнатон Фива коҳинлари билан узил-кесил суратда алоқани узиб, Фивадан гўзал сарой ва ибодатхоналар билан безалган янги пойтахт Ахетатон (Атон шаҳри) га бутун сарой амалдорлари ва янги қуёш худосининг коҳинлари билан бирга кўчиб келган ва Атон Мисрнинг ягона ва олий худоси деб эълон қилинади. Эхнатон Фива коҳинлари ва номлардаги кулдор зодагонларни қудратини вақтинча бўшаштиришга муваффақ бўлган. Эхнатондан кейин тахтга ўтирган фиръавнлар унинг диний сиёсатини давом эттира олмаганлар. Улардан бири Тутанхатон Фива коҳинларига ён бериб, Амон эътиқодини қайтадан тиклашга ва ҳатто ўз исминини ҳам шунга яраша ўзгартириб «Тутанхамон» деб аташга мажбур бўлган.

Рамзес II ва Рамзес III даврида давом этган ҳеттлар билан урушлар м.а 1292 йилда тинчилик сулҳи тузиш билан якунланди. Аммо Рамзес III ворислари даврида Миср энди ливиялик қабилалар ва денгиз халқлари ҳужумидан ҳимояланишга мажбур бўлди.

Сўнгги даврда (м.а. XII-V асрлар) Миср цивилизацияси оғир дамларни бошидан кечирди. Миср тарихининг Сўнгги давридаги беқарорлик темирнинг секинлик билан жорий этилиши, судхўрликнинг авж олиши, жамиятнинг эркинлар ва кулларга янада қатъий бўлиниши, мамлакатнинг тарқоқлиги, Ливиялик ёлланма қўшин ҳарбий табақасининг шаклланиши, коҳинлик лавозимлари учун кескин кураш, жанубдан эфиопияликлар, шарқдан оссурияликларнинг босқини билан ифодаланади. Шунга қарамадан Миср цивилизацияси ўз ютуқлари ва эришган натижаларини сақлаб қолди.

Мисрнинг озод этилиши ва қайта бирлашиши Саис сулоласи асосчиси, юнон ва крит ёлланма қўшинига таянган Псамметих II даврида юз берди. Мисрликларнинг Сурия ва Фаластиндаги ҳукмронлиги қисқа муддатга тикланди, Кипр, Самос, Кирена билан иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Аммо м.а. 525 йилда Миср форслар, м.а. 332 йилда Македониялик Искандар томонидан босиб олинди. Фиръавнлар давридаги Миср цивилизацияси даври тугади. Яна марказлашган ягона давлатга айланган Миср учун уч асрлик Птоломейлар даври, эллинизм даври, сиёсий ва иқтисодий қудрат даври бошланди. Ушбу сулолани Македонскийнинг саркардаси Птоломей II бошлаб берди ва Клеопатра якунлади. Птоломейлар Мисри унинг даврида Рим томонидан босиб олинди ва Рим провинцияларидан бирига айлантирилди.

Месопотамия цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари.

Месопотамиядаги мавжуд ибодатхона, давлат хўжалиги билан ўхшашлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш тараққиёти даражаси, шаҳарлар ва

ёзувнинг мавжудлиги, уй-жой иншоотлари ҳажмларининг катта-кичиклиги аҳоли ўртасида ижтимоий тенгсизликни мавжудлигидан ҳам дарак беради.

Эр. авв. III минг йиллик бошларидан шумерлар жезни ўзлаштира бошладилар. Шу даврдан археологлар илк сулола даврини (ер. авв. 3000-2300-йиллар атрофи) белгилайдилар. Шумер анъанаси эса мамлакат тарихини қайсидир “тўфон”гача ва “тўфондан” кейинги даврга бўлади. Ҳақиқатдан ҳам эр. авв. 2900-йиллар атрофида Қуйи Месопотамиядаги қазишмаларга кўра “тўфон” бўлган. Шумер тарихи у ёки бу марказнинг сиёсий етакчилигига қараб эр. авв. III минг йилликнинг биринчи ярмида илк сулола даврини ташкил қилган уч босқичга бўлиш қабул қилинган.

Бу даврда Киш шаҳри юксалиб И Киш сулоласи ҳукмронлик қилади. Унинг ҳокимлари орасида шумер афсоналари қаҳрамонларидан бири этана кўзга ташланади. Кишнинг қудрати жуда узоқ вақт хотирада қолиб, кейинчалик кўп ҳокимлар «Киш лугали» унвонига эга бўлишга ҳаракат қилганлар, бу унвоннинг эгаси лугал-“етакчи” бўлган. Кишнинг ҳокимларидан бири этана (ер. авв. XXVIII аср) тўғрисида эпик ривоят шаклланиб, ривоятда у илоҳий бургутда ўзи учун “туғилиш майсаси”га эга бўлиш ва ворис меросхўр олиш учун осмонга худолар олдига кўтарилади деб ҳикоя қилинади.

Шу даврга келиб ибодатхона хўжаликларига ҳам солиқ солинади, хунарманд, жамоачилардан турли мажбуриятларни ўташ талаб қилинади. Даромад солиғи кўпаяди. Лагашда ижтимоий зиддият кучаяди. Янги «енси» Урукагина ижтимоий зиддиятларни бўшаштириш учун ислоҳот ўтказди. Олий қоҳинлар солиқлардан озод қилинади, ибодатхоналарнинг қарам кишиларга натурал маҳсулот тўлови миқдори оширилиб, уларнинг ҳуқуқлари кафолатланади. Аҳолидан олинадиган солиқ-тўловлар бир қадар камайтиради. Урукагина «Лугал» унвонини қабул қилади. Аммо ички зиддиятлар Лагашни заифлаштиради. Лагашнинг ички қийинчиликларидан фойдаланган Умма шаҳри подшоси Лугалзагисси эр. авв. XXIII аср охирида Лагашни босиб олиб, бутун Шумерда чорак аср етакчилик мавқеига эга бўлади. Умма шаҳар-давлати худуди Ўртаер денгизидан Форс қўлтиғигача (шумерча “Юқори денгиздан то қуйи денгизгача”) чўзилиб кетган.

Яна бир Саргон давлати, олдинги Месопотамия давлатларидан фарқ қилган ҳолда марказлашган давлат эди. Саргон ва унинг ворислари даврида мамлакатда иқтисодиёт, пул-товар муносабатлари, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик юксалади. Подшонинг мустабид ҳокимияти уруғ зодагонларининг, оқсоқоллар кенгашининг кучли қаршилигига учрайди. Подшо уларнинг қаршилигини синдириш, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун хизматдаги зодагонлар, амалдорлар қисман қоҳинларга таяниб иш кўради. Баъзи шаҳарларнинг меросий «Жи»лари (ҳокимилари) ўрнига подшо ўз кишиларни тайинлайди. Саргон мунтазам кўшинни ташкил қилиб, ҳарбийларга хизмат учун ер ажратиб беради. Натижада подшо («Шаррум») нинг қудратли ҳокимияти вужудга келади.

Саргон ва унинг меросхўрлари Римуш, Нарамсуен (ер. авв. 2236-2200-йиллар) подшонинг мустабид ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун исёнчи шаҳарлар, «енси»лар, уруғ зодагонларига қарши мунтазам кураш олиб боришга мажбур

бўлганлар. Подшо ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун меросий «енси»ларни, ўз ўғиллари билан алмаштирганлар, меросий ҳокимлар оддий амалдорлар даражасига туширилган. Подшо ички сиёсатда коҳинларга суянади. Коҳинларга кўплаб имтиёзлар берилган. Подшо ва унинг ўғиллари ибодатхона коҳинлари лавозимини бажарганлар. Коҳинлар Нарамсуенни «аккад худоси» деб тан оладилар. Нарамсуен фаол ташқи сиёсат олиб боради. Субарту, элам, Форс кўлтиғигача, Загрос тоғларида лулубейларга нисбатан ғолибона юришлари ва ташқи сиёсатдаги ютуқлари учун «дунёнинг тўрт иқлими подшоси» унвонига эга бўлади. Аккад подшолигининг кудратига Месопотамияга Загрос тоғларидан бостириб кирган тоғли қабилалардан бўлган кутийлар чек қўйганлар.

Шундай қилиб фанда ўлик цивилизациялар деб аталувчи, халқларнинг катта бир ривожланиш даврига келиб, дунё миқёсида инсоният улкан сакрашни амалга оширди. Бу цивилизациялардан қолган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маданият, фан, маориф, дин ва диний эътиқодлар кейинги инсоният цивилизацияларида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

3-мавзу: Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Ҳиндистон цивилизацияси. Хитой цивилизацияси.

Таянч иборалар: *Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Хитой. Шан ва*

РЕЖА:

- 3.1 Қадимги Хитой ва Ҳиндистон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари, пайдо бўлишининг шарт-шароитлари..*
- 3.2 Хитой цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари. Давлат бошқарувлари ва эътиқодлари.*
- 3.3 Мохинжадаро ва Хараппа маданиятлари.*
- 3.4 Ҳиндистондаги дин ва эътиқодлар ранг-баранглиги.*

Чжоу даври. Милоддан аввалги VIII-III минг йилликларда Хитой., Конфуций таълимоти, дао таълимоти, мои таълимоти, легизм. Цинь марказлашган давлатини вужудга келиши долзарб жиҳатлари Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Ҳиндистон цивилизацияси. Социал ва сиёсий тузум долзарб жиҳатлари. “Веда даври”. Шимолий Ҳиндистонда давлатларнинг вужудга келиши муаммолари.

3.1 Қадимги Хитой ва Ҳиндистон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари, пайдо бўлишининг шарт-шароитлари..

Бугунги кунда тарихнинг неча минглаб йилларидан иборат синовларига бардош бериб, янада чарҳланиб, ўз ривожланиш йўлига эга бўлган цивилизациялар мавжудлиги ҳаммамизга аён. Шундай ривожланишни давом эттираётган цивилизациялардан бири Ҳинд ҳисобланади. Хозирда биз Ҳинд

заминида дунёга келган дин ва диний эътиқодлар тўғрисида сўз олиб боришга ҳаракат қиламиз. Ҳиндуизм асосини қадимги Ҳиндистоннинг архаик эътиқодлари дарахтлар, тоғ, сув ҳавзалари, илон, сигир ва маймун қабилага сиғиниш ташкил этади.

Ҳозирги кунда ҳам ҳиндуизмда, қадимги даврдан бошлаб маъбуда онага сиғиниш катта рол ўйнайди. Ҳиндуизмда бош яратувчи – худо ғояси мавжуд. Бу худо Вишна бўлиб, у ҳайвонлар сиртлон, балиқ, тошбақалар, ёки инсонлар одатда қора танли подшо, ёки чўпон (кришналар) қиёфаларида намоён бўлади. Вишна бошқа кичик худолар тимсолига кириши мумкин. Вишна одатда подшо тожида, баъзида дунё илонидай ястаниб ётган ҳолда тасвирланади. Бошқа ҳиндуистлар бош худо деб сопол парчаларини осган аскет (давриш) ёки раққос қиёфасида ифодаланадиган Шивани ҳисоблайдилар. Шивага кўпинча унга бағишланган муқаддас ҳўкиз ҳамкорлик қилади. Қадимги давр охири ва ҳозирги кунларда ҳиндуистлар Вишна ва Шивага эътиқод қилувчиларга бўлинади.

Ҳиндуистларнинг муқаддас матнлари ведалар ҳисобланади. Ҳиндуизмда ибодатхонада тоат-ибодат қилиш расм бўлди. Байрам тантаналарининг энг муҳим қисми тантанали юришлар, намоёишлар бўлиб, худонинг тасвири олиб юрилган. Ибодатхона олдида унинг хизматчилари кохинлар, раққослар, муסיқачилар яшаган. Ҳиндуизм мафкурасининг асосий белгилари «Бхагавадгита» («Худо кўшиқлари») поемаси бўлиб, «Махабхарот» таркибига киритилган. Ҳиндуизмнинг ахлоқида чексиз сабр-тоқат қилишга чақирилади. Ижтимоий муносабатларда инсон мулоқоти ўз ижтимоий доираси билан чекланиш керак. Каста бўйича касбни ўзгартириш таъқиқланади. Никоҳни болаликда ўқитиш одати тарқалган. Бевани ўз эрини гулханда куйдирган пайтда ўзига олов бериши энг савоб иш ҳисобланган.

Қадимги Ҳинд адабиётида марказий ўринни диний адабиёт ёдгорликлари эгаллайди. Уларнинг энг қадимгилари ведалар, ўқитувчидан ўқувчига оғзаки узатилган. Веда мадҳияларининг катта қисми қурбонлик расм-русумларига бағишланган. эр. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида будда адабиёти шаклланган. Илмий ва дидактик руҳдаги адабиётлардан эр. авв. V-IIIV асрларда Панини тузган санскрит грамматикасидир. Бу мутахассисларнинг фикрича жаҳон фанида XIX асргача тилнинг энг яхши баён қилинган асаридир. Ҳиндистонда ёзув кечроқ пайдо бўлган, унинг илк намуналаридан бири Ашоки ёзувларидир.

1.2 Хитой цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари. Давлат бошқарувлари ва эътиқодлари.

Ер. авв VIIII аср бошларида чжоуларнинг Хуанхе дарёси юқори оқими ҳавзасида яшаган жун қабилалари билан тўқнашуви кучаяди. Жунлар келиб чиқиши чжоуларга қариндош эдилар, лекин турмуш тарзи ва ҳўжалик юритиш шакли билан фарқ қилганлар. 10 – ван даврида (781-771 йиллар) ярим кўчманчи жунлар билан ҳал қилувчи тўқнашув юз беради. Меросий ер мулкларни

кўпайиши, ижохоу (меросий ҳудуд ҳокимлари) мустақиллигини кучайиши Ван ҳокимиятини заифлаштирди. Чжоу ПИХ -ван исёнчи чжоухоулар ва жунлар хужумини қайтара олмади. У пойтахт ҳудудини ташлаб кетишига мажбур бўлади. Бу воқеа Хитой анъанасида Ғарбий Чжоу даврини тугаши деб ҳисобланади. Эр. авв 770 йил пойтахт шарққа ҳозирги Лоян ҳудудига кўчирилади. Шу сабабли эр. авв ВИИИ-ИИИ асрлар Шарқий Чжоу даври деб аталади. Жунлардан қочиш ваннинг обрў-еътиборини кескин тушириб юборди. Эндиликда у Чжоулар ўртасидаги ўзаро муносабатларга аралаша олмади. Чжоухоулар амалда мустақил ҳокимларга айландилар, Ваннинг ерлари камайтирилиб, унга ўлпон тўланмай кўйилди. Эр. авв. ВИИИ аср охирида Хитой мингдан зиёд бир-бири билан урушаётган мустақил мулкларга бўлиниб кетди, аммо улар мамлакатнинг анъанавий бирлигини рамзи сифатида Чжоу вани олий ҳокимиятини расман тан олдилар. Бу даврда ижтимоий табақаланиш мураккаблашди, қулларнинг ва қарам аҳолининг сони ўсди. Пул-товар муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари ўсади. Ван томонидан ер-мулклар зодагонлар, ҳарбийларга тақсимлаб берилади. Ерга хусусий мулкчилик пайдо бўлади.

Ерамиздан аввалги ВИИ асрдан бошлаб сепарат кайфиятлар кучайиб кетди. Чжоуларнинг Хуанхенинг юқори оқимидаги жун қабилалари билан тўқнашуви кучаяди. Кўчманчилар бирлашиб чжоуларга катта ҳафв туғдирадилар ва Чжоу подшоликлари ички курашида иштирок этадилар. Ўрта Хитой текислигида биринчилик учун бўлган курашда Хуанхе қуйи қисми Син подшолиги (ерамиздан аввалги 650 йил), кейинроқ Сзин подшолиги (ер. авв. 630-йил) етакчи ўринга чиқади.

Хитойда эр. авв. V асрларда темир тарқалди. Темир меҳнат қуролларини кескин кўпайиши аҳолини тез ўсишига олиб келди. Ҳайвонлардан ерни ҳайдашда фойдаланила бошланди. Маҳсулотни, экин ерларини кўпайиши ва умумий беқарорлик ижтимоий силжишларга олиб келди. Ерга жамоа мулкчилиги тизими тугади. Эр. авв. 1000 йиллик ўрталаридан ерни сотиш ва олиш ҳукуқи билан ерга хусусий мулкчилик пайдо бўлди. Давлат ер эгаларидан ер солиғини олишни жорий қилди, бой хунарманд-савдогарлар табақаси шаклланди. Шаҳарларни ва шаҳар аҳолисини кўпайиши кузатилди. Эр. авв. IV-III асрларда метал танга тарқалди.

Бу даврда қадимги Хитойни асосий таълимотлари конфутсийлик, легизм, даосизм вужудга келди. Конфутсий (Кун-сизе эр. авв. 551-479-йиллар) таълимоти бўйича инсон табиатан эзгулик ҳислатига эга ва ўз бурчини сидқидилдан ўташга тайёр. Конфутсий барча ижтимоий муносабатлар учун оилани намуна ҳисоблайди. Оилада катталар кичикларга ғамхўрлик қиладилар ва уларни тарбиялайдилар, кичиклар уларни ҳурмат қиладилар ва уларга бўйсунадилар. давлатга халқ фарзандлар ўрнида, ҳукмдор ота ўрнида бўлади, ҳукмдор ўз шахсий манфаати эмас, халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Ер. ав. IIIV асрда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни барқарор ҳолатга келтириш учун кўпгина подшоликларда ислохотлар ўтказилади. Ана шундай ислохотлардан бири эр. ав. 350 йилда Син подшолигида олий амалдор

Шан Ян томонидан ўтказилади. Мамлакат уездларга бўлинади, ер сотиб олишга рухсат берилади, ўлчов бирликлари унификатсия қилинади, уруғ зодагонларнинг айрим имтиёзлари бекор қилинади. Мамлакат ҳудуди 36 йирик маъмурий округга бўлинган, ҳар бир округ уездларга, уездлар волостларга, волостлар эса бир неча жамоадан иборат эди. Округ бошлиғи ва округ кўшин бошлиғи император томонидан тайинланган. Округ бошлиғи эса уезд бошлиғи ва уларнинг муовинларини тайинлаган. Императорнинг икки маслаҳатчиси бўлиб улар марказий давлат аппаратини бошқарганлар.

Марказлашган давлат аппарати ҳарбий, молия, суд, император оиласи бўлими ва инспектсия назорат бўлимларидан ташкил топган. Қатъий марказлашган давлат бошқаруви аппаратида энг қуйи бўғинда жамоа оқсоқоллари турар эди. Давлат аҳоли ҳаётини барча жабҳаларини қатъий бир қолипга солди: аҳолидан барча қуроллар тортиб олиниб, қўнғироқлар қўйилди. мамлакат бўйича ёзув, пул, танга, ўлчов бирликлари унификатсия қилинди, бекиёс, шавкатсиз руҳда бўлган ягона қонунчилик тизими жорий қилинди. Жинояти учун бутун оила жазоланган, ўлим жазоси барча айблар учун қўлланилган. Оммавий равишда каторга ишларига сургун қилинган. Одамлар Син давридани олдинги даврларни хотирасидан чиқариши учун Син подшолигидан олдинги ёзувдаги асарларни йўқ қилишга буйруқ берилган. Қадимиятга эътиқод қилганлари учун юзлаб конфутсий таълимоти мухлислари, олимлар жисмоний йўқ қилинган. Бутун Хитой аҳолиси оғир меҳнатга дучор қилинди. Мисли қўрилмаган қурилиш: 5 минг км. узунликдаги буюк деворни бунёд қилишга киришилди. Император саройи ва тоғ ичида ўйилган император соғонаси қурилиб, соғонага баландлиги ўртача одам ўлчовида бўлган 6 минг жангчи ҳайкаллари жойлаштирилди ва Хитойни бутун ҳудуди аҳолиси бу қурилишларга зўрлик билан ҳайдаб келинди. Император кўшинни шимолга хунларга қарши ва Янтсзи дарёси ва Жанубий Хитой денгизи оралиғи хавзасидаги мамлакатларни ишғол қилишга юборилди

1.3 Мохинжадаро ва Хараппа маданиятлари.

Қадимги Ҳиндистон ўзига хос географик шароит ва табиатига эга бўлган. Минтақадан икки ҳудудни ажратиб кўрсатиш лозим. Шимол ва Жануб. Қадимги аҳоли дравидлар деб, шунинг учун бу давр дравидлар жамияти деб аталади. Дравид жамияти ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва маданияти шумер-аккад жамиятига яқин. Шу жиҳатдан ҳам олимлар ушбу цивилизация асосида шаклланган деб ҳисоблайдилар. Ҳиндистоннинг дастлабки цивилизация марказлари – Мохинжо-Доро ва Хараппа шаҳарларидир. Шаҳарлар тўғри ва кенг кўчалар, уйлар эса пишиқ ғиштдан 2 этаж шаклида қурилган. Мохинжо-Дородан ҳатто водопровод ва канализация қолдиқлари топилган. Бу ер йирик савдо ва ҳунармандчилик марказлари ҳисобланган. Сарой қолдиқлари бу ерда давлат ва подшо қароргоҳи бўлганлигини кўрсатади. Археологик топилмалар бу ерда жамият қарор топганлигини исботлайди.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида орий қабилаларини бостириб кириши оқибатида қадимги жамият инкирозга юз тутди. Милоддан

аввалги I минг йилликда Ҳиндистонда Махадка, Малла, Кошала каби давлатлар қарор топади. Мазкур даврда жамиятда тенгсизликни қарор топиши динга ўз таъсирини кўрсатади. Брахманизм дини пайдо бўлди. Диннинг муқаддас китоби – Веда бўлиб, унда жамиятдаги тенгсизлик акс этади. Унга кўра жамият пасталарга табақаларга бўлинади. 1) Брахманлар – кохинлар, жангчилар-кшатриялар, вайши-деҳқон, хунарманд, шудра-хизматкорлар. Шунингдек, ушбу тўртта табақага мансуб бўлмаган “чандаллар” ҳам мавжуд, улар ҳазар қилинган кишиларга нисбатан ривожига ҳам таъсир кўрсатади. Ва милоддан аввалги VI асрда Буддизм динининг пайдо бўлишига замин яратди. Дин асосчиси – сидхартха Бауталла ҳисобланади. Тўкин-сочинчиликда катта бўлган шаҳзода тасодифан касалга дуч келади. Кейин жамиятдагилар аҳволини тушунгиб етган шаҳзода саройни тарк этади ва янги таълимотни яратди. Сидхартха ўз таълимотининг асосий қоидаларини “Тўрт олий ҳақиқат” номи билан баён этади. У Ҳиндистонда биринчи монахлик жамоасини ташкил этган. Буддавийлик динининг муқаддас китоби – “Трипитана” (уч сават донолик) деб аталади. Будда ўз таълимотини уч саватга жойлаштирган. Уларнинг ҳар бирига алоҳида ном берилган: 1) виноянитана (ахлоқий меъёрлар); 2) Суттопитана (Дуолар); 3) Абидхомманатана (Диний-фалсафий масалалар баёни).

Подшо Ашона ҳукмронлиги даврида Будда дини Ҳиндистонда давлат динига айланди. Кейинчалик икки оқимга: хинояна ва Махаянага бўлиниб кетади. Мохаянанинг ҳозирги даврдаги энг муҳим кўриниши – ламаликдир.

Кушон даврида Будда дини Ўрта Осиёга ҳам кенг ёйилади. IV аср бошида Ҳиндистонда Гупталар давлати вужудга келади. Гупталар эфталийлар зарбаси билан парчаланиб кетган. Ҳиндистон цивилизациясининг мазкур даври – кучсиз давлат, кучли жамият тарзида намоён бўлади. Майда князликларга рожа ва Махорожалар бошчилик қилади. Рожаларнинг губернаторлардан фарқи уларга ҳокимият мерос бўлиб ўтарди, ҳамда ўз автономлигини сақлаб қолган эди. Жамиятда қишлоқ жамоалари муҳим роль ўйнаган. Жамоада кастачилик сақлаб қолинган ва бегонага ер сотилмаган. Жамоа ерни ижарага, мерос ва яқин кишисига сотиш имконияти берилган. Унга кечгача бошчилик қилар, албатта юқори хасталарни ҳақ-ҳуқуқи чекланмаган эди. Шундай қилиб қишлоқ жамоалар автоматизм даражасидаги бошқарув сақланган. Ёки жамоалар давлат ичидаги давлат сифатида қораларди.

1.4 Ҳиндистондаги дин ва эътиқодлар ранг-баранглиги.

Қадимги ҳиндлар мантиқ, тил фалсафасида катта ютуқларга эришдилар. Математика, астрономия фанлари бўйича V асрда машҳур олим Аръябхаттаха ҳаракатнинг нисбийлиги асосида ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ва унинг қуёш атрофида айланишини фарз қилади. Математикада нолни киритилиши, араб рақамлари деб айтиладиган рақамлар Ҳиндистондан келиб чиқди. Эрамизнинг III асрларида турли адабий жанрлар мавжуд бўлган. Бу даврда машҳур драматург Шакун Калидаса ижод қилади. «Панчататра» деб аталган китобда масаллар тўпланади, унинг арабча таржимаси «Калила ва Димна» деб аталади.

Маурилар давридан сўнг, ғишт ва тошдан қурилишда кенг фойдаланилади. Ҳозиргача сақланган обидалар ғарбий Ҳиндистондаги будда ибодатхоналари диққатга сазовор. Ер устидаги ибодатхоналардан бири Санчида бунёд қилинган. Санчида тепалик устида улкан будда ибодатхонаси қурилган. Яна бир ноёб санъат ёдгорлиги Ашоки ёзувлари битилган тош устунлардир. Маурилардан сўнг, ҳайкалтарошликнинг маҳаллий мактаблари вужудга келади. Улардан энг машхурлари шимолий ғарбий Ҳиндистондаги Гандхара, шимолий Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги Мадхура ва Декан вилоятидаги мактаблардир. Эрамизнинг биринчи асридан Гандхара мактаби эллин ва Рим маданияти таъсири остида шаклланди. Гандхара услуби кушонлар даврида марказий ва шарқий Осиёнинг будда маданиятига таъсир қилди. Мадхура ва Декан мактаблари Ҳинд тасвирий санъати анъаналари билан кўпроқ боғланган. Ана шу мактаблар асосида ўрта асрлар ҳинд ва жанубий шарқий Осиё мамлакатлари маданияти шаклланди.

Қадимги Ҳинд адабиёти асарларининг катта қисми веда, эпик ва будда адабиётлари анъанавий жанрларга тегишли бўлиб, асрлар давомида оғзаки шаклда яшаб келди. Айнан муқаддас матнларни эслаб қолиш, узатиш ва талқин қилиш, лингвистика, фалсафа ва мантиқ каби фанларнинг ривожига сабаб бўлди. Жанубий Осиёда маурилардан сўнг, турли давлатларни гуллаб-яшнаши дунёвий адабиёт-драма, поэзия ва проза, меъморчилик ҳамда тасвирий санъатнинг ноёб ёдгорликларни яратилишига сабаб бўлди. И минг йилликнинг ўрталарида (шимолий Ҳиндистон Гупталар даври) қадимги жанубий Осиёда маданият тараққиётининг якуни бўлди.

4-мавзу: Қадимги Юнонистон цивилизациясида Крит-микен маданияти. Ахей маданияти.

Таянч иборалар: *Крит-микен маданияти. Ахей маданияти. Дорийлар. Буюк*

РЕЖА:

- 4.1 Қадимги Крит ва Микен жамияти.
- 4.2 Эллада маданияти. Илмий билимлар ва дин ривожини.
- 4.3 Рим цивилизациясининг ўзига хослиги.
- 4.4 Республика ва империяча бошқарув.

юнон мустамлакачилиги. Классик Юнонистон. Юнон жамияти – полис. Полислардаги жамият. Полиснинг иқтисодий ҳаёти долзарб жиҳатлари. Юнон цивилизацияси ривожининг икки маркази. Полиснинг ривожланиши йўли муаммолари. Рим жамиятининг диний танглиги. Салтанат: цивилизациясининг гуллаб яшнаши ва заифлашуви муаммолари. Салтанат бошқариши манбалари. Салтанатнинг “Олтин асри”. Августдан кейинги

салтанат. Салтанат даври маданияти ва санъати. Рим ҳуқуқи. Рим цивилизацияси қулашининг сабаблари.

4.1 Қадимги Крит ва Микен жамияти.

Қадимги Юнонистон иқлими ўзига хос саналади. Дарёлар йўқ, унумдор ерлар кам бўлган. Бироқ, денгизнинг мавжуд бўлиши юнонлар учун қулай имкониятлар яратиб берган. Янги ерларни эгаллаш, ҳаёт учун кураш юнон цивилизациясининг ривожланиши учун қулай имкониятлар яратди.

Дастлабки цивилизация ўчоғи Крит оролида милоддан аввалги III-II минг йилликда вужудга келади. Бу Минои цивилизацияси деб ҳам аталади. Мил. авв. XV асрда табиий офатлар крит-микен жамиятини йўқ қилди. Унинг ўрнига Ахей цивилизацияси келади. Унинг ривожини XV-XIII асрларга тўғри келади. Бироқ, XIII-XII асрларда тўсатдан инкирозга учради. Бунинг сабаби сифатида дорийлар истилосини кўрсатишади. Крит ва Ахей цивилизацияси бошланғич этап сифатида кейинги юнон цивилизацияси ривожланиши учун асосий туртки бўлади.

Милоддан аввалги VIII-VI асрларда юнонлар тарихида буюк колониялар даври ҳисобланади. Бунга сабаб эркин юнонлар орасида ерларни камлиги, камбағаллашув, ишсизлик эди. Колонистлар олдида табиат инжиқлиги турарди. Шу жиҳатдан ўз ишини устаси, эпчил, меҳнатсевар, одамлар етишиб чиқди. Милоддан аввалги IV асрда А.Македонский давлати эллин цивилизацияси сифатида кейинчалик юнон цивилизациясини ниҳоясига етказди.

Юнонистон цивилизациясининг ўзига хослиги – полис жамиятини мавжудлиги деб ҳисоблаш зарур. У давлатнинг сиёсий ҳаёти, қадриятлар тизими, адабиёт ва санъат ва фалсафага катта таъсир кўрсатган. Жамоани аъзоси бўлиши учун эркин юнон бўлиши ҳамда хусусий мулкка эга бўлиши шарт эди. Чунки, улар эркин мулкдор бўлиши билан бирга давлат ишларида ҳам қатнаша олар эди. Шу жиҳатдан юнон полислари фуқаролик жамоаси деб ҳам аталган. Демак, Юнонистонда давлат жамоасидан етишиб чиққан Полисларда доимо фуқаролик ҳуқуқи шаклланиб борган. Полисларда фақат ички ҳаёт, балки ташқи сиёсат мавжуд бўлиб ўз армиясига ҳам эга бўлган. Полислар мил.авв. VI-V асрларда ўзининг ривожига чиққан. Юнонистонда марказлашиш жараёнига ҳаракат бўлмаган. Фақатгина форслар билан уруш жараёнида бирлашишга ҳаракат бўлган. Шу жиҳатдан, бу ерда икки цивилизация маркази – Афина ва Спарта вужудга келди.

Афина сиёсий ҳаётида демократия сари ҳаракат бўлган. Жумладан мил.авв. 594 йили Солон ислохоти амалга оширилиб, жамиятда фуқаро ва демосни яқинлаштиради. Энди демос ҳам барча ҳуқуққа эга бўлди. Кейинчалик мил.авв. V асрда Эфталит ва Перинлар ўз фаолияти билан демократияни янада мустаҳкамлайди.

Спартада архаик жамият қолдиқлари мавжуд бўлиб, жамиятда хусусий мулкка руҳсат берилмаган (ерга эгалик). Қуллар ҳам давлатга тегишли саналган. Эркин аҳоли орасида “Тенглик принципи” ҳукмрон бўлган.

Юнон форс урушларидан Афина ва Спарта қудратли давлатга айланди. Иккала давлат ҳам Юнонистонда ягона ҳукмронлик учун кураш бошлади. Бироқ, уруш иккала томонни заифлаштирди. А.Тойнби фикрича, бу жиҳат қадимги юнон цивилизациясининг инқироzi эди. Юнон цивилизациясининг сўнгги босқичи сифатида эллин даври А.Македонский давлатини айтиб ўтиш лозим,

4.2 Эллада маданияти. Илмий билимлар ва дин ривож.

Эллин маданиятининг умумий белгилари. Эллинлар дунёвий маданияти мураккаб ва хилма-хил эди. У юнон маданиятининг ҳамда Яқин Шарқ мамлакатлари маданиятининг уйғунлашувидан иборат бўлган.

Эллинизм даврида айрим мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучайиб, узоқ ҳарбий юришлар савдо мақсадидаги саёҳатлар, Яқин Шарқ мамлакатларига кўчиб бориб жойлашиш қадимги юнон ва македонларнинг билим доирасини кенгайтди: улар Шарқ маданияти билан аввалгига нисбатан кўпроқ танишадилар. Иккинчи томондан, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) истило қилган мамлакатларнинг ҳамда эллинлар оламига туташ ўлка ҳалқи юнон маданияти билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди.

Эллинлар маданияти юнонча кўриниш олган эди. Юнонлар, македонлар, эллинлашган маҳаллий ер ва савдо аристократияси ва қоҳинлардан таркиб топган ҳукмрон синф орасида умумюнон тили (койне) кенг тарқалган. Койне билан бирга эски юнон лаҳжаларида ҳам сўзлашганлар. Маҳаллий тиллар миср – демотик тили бўлиб, Селевкилар даврига келиб уларнинг сони кўпайди. Милоддан аввалги IV аср охирига келиб юнонлар орасидаги янгича дунёқараш – космополитиз юзага келди. У юнонча “космополитес” - “дунё фуқароси” маъносини билдирган. Ўтган классик даврда ҳар бир юнон ўзини шаҳар фуқароси ҳисоблаган бўлса, эндиликда эллин полислари кенг тарқалди. Шу боис, эллинлар дунёсининг кенг ҳудудларида ёйилиб кетган юнонлар – аскар, ҳунарманд ва савдогарлар ўз қарашлари полис доирасидан чеккага чиқиб, тобора кенгайиб борди. Натижада эллинлар дунёси космополитизм муҳим ғояга айланди. Бу ғоя эса эллинлашган эксплуататорлар мавқеини мустаҳкамланган. Эллинларга хос бўлган ҳодисалар билан бирга бутун эллинизм маданияти Шарқда кенг тарқалди.

Қуролсозлик ва архитектура. Қулдорлик жамияти шароитида қуролсозликнинг янада ривожланиши эллин маданиятининг муҳим белгиси бўлди. Шарқ ва юнон тажрибасининг ўзаро таъсири меҳнат қуролларининг ва ҳунармандчилик усулларининг ҳамда одам ва ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган содда механизмларнинг такомиллашувига ёрдамлашган. Масалан: улуғ математик ва механик олим Архимед (тахминан милоддан аввалги 287 – 212 йиллар) ихтиро қилган ричаглар, чархпалаклар ҳар томонлама қулай бўлиб, бу механизмлар ҳарбий ишда ва бинокорлик соҳасида катта ютуқлар келтирган. Бу даврда манжанақлар ва тошотар тўплар қўлланилган. Манжанақлар икки ўрим эгилувчан арқон ёрдамида ўқ ва тош, тошотар тўплар ёрдамида улкан тошлар улоқтирилган. Қалъаларни қамал

килиш учун таранлар билан бирга, ғилдиракларга ўрнатилган ҳаракатланувчи махсус минора – гелпола (шаҳар олар) лар ҳам ишлатилган. Бу мосламалар душман шаҳри қалъалари ва деворлари бараварида ёки у улардан баланд қилиб ясалган. Ҳаракатланувчи минора (гелепола) ичида аскарлар, заҳира ўқлари ва тошлари билан отувчи тўплари жойлашган. Минора кўп одамлар кучи билан бир жойдан иккинчи жойга кўчирилган.

Денгиз кемалари илгарига нисбатан, каттароқ қилиб ясала бошлаган. Бу кемаларнинг беш ва ундан ҳам кўпроқ қатор эшаккли бўлганлар. Савдо флоти кемалари такомиллаштирилган. Улар кўпинча очиқ денгизда сузар, ҳатто океанга ҳам чиқар эдилар. Милоддан аввалги II асрда юнон Гиппал Ҳиндистонга кема сафари чоғида илк бор муссон шамолидан фойдаланган ва шу билан океанда маълум томонга эсадиган шамол ёрдамида сузишни кашф этган. Денгизчиликнинг ривожланиши билан мукаммал маёқлар, порт ва савдо соҳиллари ҳамда улар ёнида омборлар ва бошқа ёрдамчи бинолар қурилган. Кичик Фарос оролидаги маёқ барчага маълум бўлиб, у Мисрнинг Искандария портига борадиган йўлни кўрсатиб турган.

Эллин архитектурасида кўпчилик фойдаланишига мўлжалланган бинолар кўп эди. Агар классик Юнонистоннинг архитектураси учун хос асосий бино периптер - ибодатхона бўлса, эндиликда асосий бино перисталь – хусусий уй бўлиб қолди. Шаҳарлар одатда лойиҳа асосида қурилиб, ўзаро кесишадиган тўғри бурчакли тик кўчалари бўлган. Бундан ташқари, сув тегирмонларидан фойдаланилган. Эллин даврида қончилик иши энг қолоқ ҳисобланиб, шахталарда асосан, қўл меҳнатидан фойдаланилган.

Фан ва фалсафа. Юнонистонда ва қадимги Шарқда тўпланган билимларнинг ўзаро таъсири, техника ютуқлари ва эллинлар дунёси бепаён ҳудудларини амалий ўзлаштириш билан уйғунлашуви фанлар ривожланишига кўмаклашди. Пойтахтларда илмий марказ ва кутубхоналар қад кўтарди. Мисрда Искандария, Оронтда Перам, Анншохи эллинлар дунёсининг илмий ва маданий марказлари ҳисобланган.

Искандарияда Птолемейлар ҳомийлигида ғоят катта кутубхонага асос солинган. У ерда эллинлар даврининг сўнгги йиллари 700 мингга яқин папирус ўрамаи мавжуд бўлган. Бу кутубхонада юнон-шарқ донишмандларининг ўша замонга қадар тўпланган асарлари сақланган. Сарой ёнида кутубхонадан ташқари, Музейон - илмий муассаса ҳам ташкил қилиниб, унда олимлар учун ётоқхона бўлган. Бу илмий муассаса музалар ҳимоясига топширилган. Эллин даврида илм - фан алоҳида соҳага бўлиниб, тизимлаштирилган. Аристотелнинг шогирди ва мухлислари – перипатетиклар тарихи тизимлаштириш жараёнига яққол мисол бўла олади. Перипатетиклар фалсафий мактабига Аристотелнинг шогирди Геофраста (милоддан аввалги 370 - 285 йиллар) раҳбарлик қилган. У нафақат файласуф, балки кўпқиррали олим ҳам эди. У “ботаниканинг отаси” деб ном чиқарган. Геофрастадан кейин мактабни Стратон бошқарди. Қадимда у “физик” лақабини олган. Стратон физик ҳодисаларни тадқиқ қилишда эксперимент усулларини қўллаган. Унинг шогирдлари орасида Аристарх (милоддан аввалги 310-230 йиллар) ажралиб турган. У ер ва бошқа сайёралар, Қуёш тизимининг гелиоцентрик (яъни сайёралар Қуёш атрофида айланиши)

тўғрисида фаразни илгари сурган. Искандарияда эса Евклид (милоддан аввалги III аср) геометриянинг дастлабки пойдеворига асос солади. У мавжуд математик, геометрик негизларни асослаб берган. Шунингдек, Искандарияда Мусейон кутубхонасининг мудирни киреналик Эратосфен (милоддан аввалги 275 - 208 йиллар) ҳам фаолият олиб борди. У география, астрономия ва математика фанлари билан чуқур шуғулланган. Олим ер шари айланасининг узунлигини катта аниқлик билан ҳисоблаб чиқди ва физик-математик география асосларини яратди. Эратосфен биринчи бўлиб “география” терминини ишлатган.

Милоддан аввалги II асрда нинялик атоқли астроном ва географ Гиппарх яшаб ўтган. У бир қанча астрономик асбобларни такомиллаштирган ва ихтиро қилган. Кеча - кундузнинг бараварлигини аниқлаган. Гиппарх ҳаракатсиз юлдузлар каталогини тузган. Бу каталогдан 900 га яқин ёритгич ўрин олган. Гиппарх Ердан Ойгача бўлган масофани, Ер ва Қуёш массасини аниқлаган ва экваторни 360 га тақсимлаб узунлик ва кенглик тушунчасини жорий қилган.

Милоддан аввалги III асрда тиббиёт анча тараққий этди. Юнон тиббиёт назарияси ва практикаси қадимги Шарқ тажрибаси билан қўшилиб, Искандария тиббиёт мактаби сифатида ифодасини топди. Бу мактаб асосчиси Герофил (милоддан аввалги III асрнинг биринчи ярми) ҳисобланади. У инсоннинг тасвирий анатомиясини яратган, диагноз методларини аниқлаган, дори-дармонга ғоят катта аҳамият берган. Кейинчалик унинг ишини Эрасистрат давом эттирган.

Эллин даврида икки янги фалсафий тизим – стоиклар ва эпикурчилар пайдо бўлди ва ривожланди. Стоик фалсафасининг асосчиси Кипр оролида туғилиб ўсган Занон (милоддан аввалги 336 - 264 йиллар) эди. У Афинанинг энг гавжум жойи – нақшин пешайвон – стоя остида ваъз айтиб, тингловчиларга таълим берган. Стоицизм юнон ва шарқ назарияларининг маълум даражадаги синтездан иборат бўлган. Стоиклар ҳамма нарса, шу жумладан, фикр, сўз, олов кабиларни ҳам жисм деб атардилар. Улар оламни узлуксиз ривожланиб турган олов деб ҳисоблаганлар. Худо табиатнинг ўзида жо бўлиб, табиатнинг ижодий ибтидоси билан бир қилиб кўрсатилган. Уларнинг таълимотига кўра, коинот оловдан туғилган ва келажакда уни олов ютади, кейин эса яна пайдо бўлади.

Эллин фалсафий мактабининг яна бир асосчиси – Эпикур (милоддан аввалги 341 - 272 йиллар) Зенонга қарама - қарши ўлароқ материалистик дунёқарашни ёқлаб чиққан. Эпикур таълимотига кўра, одамлар объектив суратда ташқи оламни сезгилари орқали биладилар. Сезгиларнинг жамланиши асосида – умумий тушунча ҳосил бўлади.

Эллин даврида пайдо бўлиб, ривожланган фалсафий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари шунда эдики, улар кулларга ҳам инсоний фазилятлар, ҳатто уларда олий ахлоқ сифатлари ва донишмандлик мавжуд эканлигини айтиб ўтганлар.

Адабиёт ва санъат. Эллин даврида фан сифатида адабиётшуносликнинг куртаклари - филологик танқид юзага келган. Филологлар мантикий асосда

юнон грамматикасини ишлаб чиққанлар. Искандария Мусейони юнон адабиётининг муҳим маркази бўлиб қолган. Искандария шоирларининг етакчиси Каллимах (милоддан аввалги 310 – 240 йиллар) Мусейон кутубхонаси мудир ва тахт вориси ҳисобланган. У кутубхонада филологик каталоглар тузган ва олим филолог сифатида фаолият юргизган. Каллимах – мифология, тарих, адабий мавзуларда кичик – кичик шеър ва поэмалар ёзган. Каллимахнинг замондоши Феокрит номи тарихда лирик – драматик поэма – идилиялар муаллифи сифатида қолди. Бу асарларда у қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг осойишта манзараларини ёзган. Эллин даврида янги аттика комедияси муҳим ўрин тутган. Унинг вакилларида бири афиналик Менандр (милоддан аввалги 342-292 йиллар). Бу комедиялар Мисрдан топилган папирус қоғозларида битилган. Мемандр комедияларининг сюжети оилавий, маиший мавзулардан иборат бўлган.

Эллин даврида тасвирий санъат ҳам ажойиб ютуқларга эришди. Бу даврда юнон ва Шарқ анъаналари уйғунлиги яратилган кўпгина меъморчилик ёдгорликларида мужассам бўлди. Ҳайкалтарошлик санъати бу даврда анча раванқ топган, аммо мазмунан классик давр анъаналаридан фарқ қиларди. Идеал маъбуда ва қаҳрамонлар умумлаштирилган ҳайкаллари ўрнини асли каби ишланган ва тасвирланган шахс индивидуаллигини яққол кўрсатадиган портретларга кенг йўл берилган. Эллин даврининг ҳайкалтарошлари яратган яққа ва гуруҳ ҳайкалларида жисмоний ва руҳий азоб, кураш, ғалаба, ўлим каби сезгилар ифодаланган. Шу билан бир қаторда ҳайкалтарошликда дабдабали тематика мавжуд бўлиб, у эллин монархларнинг саройлари соясида намоён бўларди. Афина ва Искандарияда Пракситель, Пеграм, Родос мактаблари ҳайкалтарошликнинг ёрқин намуналарини яратдилар.

Эллин даврининг охирига бориб, ҳайкалтарошлик мавзуси ўзгариб, асарларда даҳшатли сюжетлар ва ясамалик намоён бўла бошлади. Гуруҳ тарзида ишланган икки ажойиб ҳайкал: “Форнез буқаси” ва “Лаокоон” да шу ҳолни кўриш мумкин.

Эллин даврининг иккинчи ярмида ҳайкалтарошликда идеаллаштирилган классик шаклларида қайтиш кузатилди. Милослик Афродита ҳайкали бу мактабнинг ажойиб ёдгорлиги бўлиб, унда маъбудлар фигуралари классик шаклда идеаллаштириб кўрсатилган.

Тош ўймакорлик санъати катта муваффақиятларга эришган. “Камео Гонзаго” асари унинг ажойиб намунаси бўлиб, унда шоҳ Птолемей ва малика Арсинояннинг боши ён томондан тасвирланган. Адабий манбаларга кўра, эллин рассомлигида ҳам жиддий асарлар яратилган, лекин мум бўёқлардан барпо бўлган картина ва фрескалардан деярли сақланиб қолмаган.

4.1 Рим цивилизациясининг ўзига хослиги.

Рим цивилизацияси кўп томондан юнон жамияти давоми ёки антик цивилизациянинг охириги босқичи деб қаралади. Бироқ унинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Римга фақат қулай географик шароит, балки улар

юнонлар, карфагенликлар, этрусклар билан ёнма-ёнлиги ҳамда уларнинг ютуқларини яхши ўзлаштира олганлигида деб ҳисоблаш лозим.

Милоддан аввалги III асрда Римда фуқаролик жамияти шаклланиб бўлди. Бу эса ички ҳаёт – патрицийлик тизимини қарор топилишини ниҳоясига етказди. Рим фуқароси мажбуриятлари аниқ белгиланган эди: аввало, жамият олдигаги бурч, сўнгра оила олдигаги ҳамда ўзлиги учун қайғуришдир. Рим гарчи аристократик республика ҳисобланади. Бироқ уларнинг ваколати чексиз бўлмаган. Турли органлар бир-бирини назорат қилиши мумкин бўлган. Албатта, римдаги индивидуализм фақат юнон маданиятининг таъсири эмас, балки жамиятдаги тенгсизликни маҳсули ҳам деб қараш лозим.

Римда империяни пайдо бўлиши цивилизацияни тугашими? Бир қараганда империя қудратли бўлиб, цивилизация тўхтамагандек туюлади. Бироқ, якунида Рим цивилизацияси қатор кучли зарбалар қурбонига айланди. Аввало, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда, сўнгра варварлар ҳужумидир. Рим буюк Кўчишдаги ёш халқлар йўлининг келишган жойига айланди.

Тадрижий: меросийлик асосида ривожланган цивилизация жамияти тўхтаб қолди. Бироқ, бу инқироз Ғарбий Европа цивилизациясининг асоси – бош манбаига айланиб қолди.

4.2 Республика ва империяча бошқарув.

Эр. авв. VI асрда этруск истилолари уруг` жамоасининг емирилиш жараёни, синфий жамият ва Рим давлатчилиги шаклланишини тезлаштиради. Этрусклар Римда илк юнон тираниясига о`хшаш монархия режимини ташкил этдилар. Унинг о`рнига Римда эр. авв. 509-йил илк республика тузуми о`рнатилди.

Рим тарихчилари, республика бошланишини эр. авв. 509-йил келиб чиқиши этруск бо`лган со`нги Рим подшоси Тарквиний Маг`рурнинг Римдан ҳайдалиши билан белгилайдилар. Эркинлик тарафдорлари, сенат ҳокимияти ҳимоячилари Юний Брут бошчилигида монархияни аристократик республика билан алмаштирдилар. Республика тузуми о`рнатилиши билан олий ҳокимият бир йил муддатга сайланадиган икки консул қо`лига о`тди. Дастлаб улар претор (олдинда юривчилар) деб аталар эди.

Рим республикаси магистратураси бирданига эмас, аста-секин шаклланди. Фаразларга ко`ра, республиканинг биринчи йилларида ижроия ҳокимиятнинг бошида бир олий магистрат-претор бо`либ, унга о`ринбосари-квестор ёрдам берган. Плебейларнинг Муқаддас тоққа биринчи чиқиб кетишларидан со`нг, халқ трибунлари ва плебей эдиллари, уларнинг ёрдамчилари лавозимлари жорий қилинди. Аммо ижроия ҳокимиятга преторнинг ягона раҳбарлиги ва у томонидан ҳокимиятни босиб олиниш имконияти мавжудлиги хавфи туг`илди. Шунинг учун эр. авв. V аср о`рталарида бир олий магистрат о`рнига иккитаси сайланадиган бо`лди. Улар бир хил ҳокимиятдан фойдаландилар ва биргаликда бошқардилар. Улар бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари лозим эди. Шунинг учун улар консуллар (сонсуло-маслаҳатлашаман со`зидан олинган) деб

аталдилар. Лисиний ва Секст қонуни бо`йича эр. авв. 367-йилдан консуллардан бири плебейлардан сайлана бошлади. Олий магистратлар консуллар, сензорлар ва преторлар эди.

Консулларни сентурий йиг`инларда патритсийлар ичидан сайлар эдилар. Консуллар розилигисиз сенат комиссиялари то`плана олмас эди. О`злари эса, о`з мажбурият вазифаларини бажариш даврида ҳар қандай суд жавобгарлигидан озод эдилар. Консуллар уруш вақтида қо`шин қо`мондони вазифасини бажарганлар. Сенат ва комиссияларни чақирар эдилар ҳамда қонунчилик ташаббусига эга эдилар. Консуллар ҳокимияти фақат бири иккинчисининг қарорига вето (таъқиқ) қо`йиши билангина чекланган эди. Амалий ҳаётда эса, консуллар патритсийлар ва уларнинг олий органи-сенатнинг сиёсий манфаатлари билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Дастлабки кунларданок консуллардан ташқари, шаҳар ишларида квесторлар муҳим о`рин тутдилар. Улар судда иштирок этар, хазинани бошқаришда қатнашар эдилар. Илк даврда улар консулларнинг ёрдамчилари эди. Эр. авв. В аср о`рталаридан квесторларни комиссияларда сайлайдиган бо`лдилар. Шу вақтдан квесторлар мустақил бо`лдилар. Улар давлатнинг молиявий ишлари билан шуг`улланар эдилар. Квесторлар архивни бошқардилар, ҳарбий юришлар даврида консулларга ҳамроҳлик қилиб, қо`шин хазинасини бошқарар эдилар.

Эр. авв. 443-йилдан бошлаб сентурий комиссияларида фақат патритсийлар ичидан икки сензор сайланадиган бо`лди. Улар 5 йилда бир марта 18 ой муддатга сайланар эди. Сензорлар собиқ консуллардан сайланган. Улар Рим фуқароларини мулк тоифаларига киритиб, сенаторлар таркибини текшириб, унинг янги ро`йхатини тузишлари лозим эди.

Илк республика даврида фавқулодда ҳокимият тузилмаси мавжуд эди: ораликдаги подшо, диктатор о`з о`ринбосари, отликлар қисм бошлиг`и билан биргаликда сенатда фавқулодда вазиятларда ярим йил муддатга сенатда сайланар эди. Эр. авв. 507-йилда Рим тарихида илк бор фавқулодда ваколатлар берилган мансабдор шахс-диктатор сайланди. Диктатор ҳокимияти подшо ҳокимиятига о`хшаш эди. Диктаторни римликлар давлат учун фавқулодда хавф туг`илиб қолган пайтда ёки о`та хавфли вазият юзага келган пайтда, ягона бошлиққа эҳтиёж бо`лгандагина сайлар эдилар. Диктаторни расман консуллар, амалда эса, сенат сайлар эди. Диктатор ҳокимияти чекланмаган эди. У икки консул ҳокимияти ваколатига эга бо`либ, унинг ҳокимият муддати 6 ойгача эди. Унга консуллар каби 12 ликтор эмас, балки 24 ликтор ҳамроҳлик қилар эди. 24 ликтор унинг ҳокимиятини белгиси бо`лган.

Рим республикаси аристократик характерда эди. Қонунчилик ташаббусига эга бо`лмаган сентурий йиг`илишларини жамиятнинг патритсий қатламларини вакили бо`лган консул чақирishi мумкин эди. Бу комиссияларнинг бирор-бир қарори “патрес”-сенат томонидан тасдиқланмаса, кучга кирмас эди. Эр. авв. 471-йилдан курия ва сентурий йиг`инлари намунасидаги плебей йиг`инлари чақирила бошланди. Плебей йиг`инларида қабул қилинган қарорлар-“плебитсит” фақат плебейлар учун мажбурий эди.

Рим республикасида олий давлат органи-халқ йиг`ини ҳисобланган. Халқ йиг`ини қонунларни қабул қилиш ва бекор қилиш, уруш эълон қилиш ва сулҳ

тузиш, олий мансабдор шахслар-магистрат (магистер-бошлик) ларни сайлар эди. Шу билан бирга, у олий суд ташкилоти эди.

Рим халқ йиг`инларини демократик моҳияти ва уларнинг кенг ваколатига қарамай, энг демократик трибут комиссиялари ҳам аристократия қо`лида қурол бо`лди. Халқ йиг`ини фақат сенатда муҳокама қилинган, магистратлар киритган масалаларнигина муҳокама қилар эди. Комиссиялар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас эди.

Римда халқ йиг`инлари ёки комиссияларнинг уч қо`риниши мавжуд эди. Сервий Туллий ислохотларигача курия комиссиялари мавжуд эди. Сервий Туллий қуролли халқ йиг`ини-сентурий комиссияларини киритди. Тезда улар курия комиссияларини сиқиб чиқарди. Сентурий комиссиялари консуллар томонидан Рим шаҳридан ташқаридаги Марс майдонида чақирилар эди. Барча Рим фуқаролари 193 сентурий, энг бой I тоифа 98, жами сентурийларнинг ярмидан қо`п сентурий қо`яр эди. Овоз бериш сентурийлар бо`йича о`тказилиб, ҳар бир сентурий бир овозга эга эди. Овоз бериш қатъий қабул қилинган тартибда: дастлаб I тоифа сентурийлари, кейин ИИ, ИИИ ва ҳ. к. овоз берар эди. Агар таклиф қилинаётган масала бо`йича сентурийлар овозининг 50% идан қо`проқ овози берилса, овоз бериш то`хтатилиб, таклиф қонун кучига кирар эди. Бундай овоз бериш тартиби бо`йича барча масалаларни Рим фуқароларини бой қисми бо`лган I тоифанинг 98 сентуриялари ҳал қилар эди. Бу комиссияларда преторлар, консуллар ва сензорлар сайланар эди. Овоз беришнинг мулк сензига асосланиши демократик сайлов тизими тарафдорларининг норозилигига учради. Эр. авв. 241-йилда сентурий комиссиялари ислохоти о`тказилди. Эндиликда ҳар беш тоифадан 70 сентурий қо`йиладиган бо`лди. Уларга суворийларнинг 18 сентурийлари, хунармандларнинг 4 сентурий ва пролетарларнинг 1 сентурийси қо`шиладиган бо`лди. Жами 370 сентурий (аввалги 193 о`рнига). Патритсийлар ва плебейларнинг кураши жараёнида плебейларнинг ҳудудий округ-триблар бо`йича трибут комиссиялари муҳим аҳамиятга эга бо`лди (Рим ҳудуди ҳудудий жиҳатдан 4 шаҳар ва 31 қишлоқ трибига бо`линган). Трибут комиссияларида эдиллар, квесторлар ва плебей трибунлари сайланар эди.

Рим давлат ҳаётида 300 аъзодан ташкил топган сенат муҳим о`ринни эгаллаган эди. У ҳуқумат вазифасини амалга оширди. Эр. авв. 287-йилгача ҳар қандай қонун лойиҳаси сенатда муҳокама қилинганидан кейингина халқ йиг`ини муҳокамасига олиб чиқилар эди. Халқ йиг`инида қабул қилинган қонун фақат сенат тасдиқлаганидан кейингина қонун кучига кирар эди. Шундай қилиб, сенат о`зига керакли ё`налишда халқ йиг`ини фаолиятига раҳбарлик ва назорат қилар эди. Сенат ташқи сиёсатга раҳбарлик қилиб, давлат молиясининг эгаси эди. Мансабга сайланган магистратлар о`з фаолияти учун сенат олдида ҳисобот берар эдилар, шу билан сенатнинг иродасига тобе эдилар. Эр. авв. ИВ асрдан ваколатлари муддати тугаган олий мансабдор магистратлар сенат таркибига кирар эдилар. Сенаторлар ро`йхатини сензорлар тузганлар. Уларни раҳбари энг кекса ва обро`ли сенатор-принсепс сенатус (у мунозара пайтида биринчи бо`либ со`злаган) эди. Сенат ро`йхатида биринчи сензорлар, кейин консуллар, преторлар турар эди. Сенат мажлисини чақириш ҳуқуқига олий

магистратлар: диктатор, консуллар, преторлар ҳақли эди. Сенатнинг қарори сенатус консулп (сенатус консултум) ёки декрет (декретум-қарор) дейилар эди. Сенат Рим олигархиясининг таянчи эди.

Рим конститутсияси бо`йича магистратуралар коллегиял бо`либ (2 консул, 2 та претор, 4 эдил, 10 халқ трибуни, 2 сензор ва 4 квестор), бир йил ижро этилган. Лавозимлар ҳар йили қайта сайланган (фақат сензорлар бир ярим йил, диктаторлар ярим йил). Консуллар, преторлар, квестор ва эдиллар лавозимга 1-мартдан (ер. авв. 153-йилгача, кейин 1-январдан), плебей трибунлари эса, 10-декабрдан лавозимга киришар эдилар.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Амалий машғулот:

Л.Морган системасида цивилизация.

Ишдан мақсад: Ўқув жараёнида электрон таълим тизимини қўллаш ва медиатаълимни амалда жорий этиш кўникмасига эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожини, замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилишини ўрганиш.

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар моҳиятини билиш.

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

Ишни бажариш учун намуна:

Тингловчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Медаиатаълим тушунчасига тўлиқ эга бўлиши;

Медиапедагогика ресурсларини билиши;

Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожини англаб етиш;

Замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилиши ҳақида билиши;

Медиатаълимни асосий мақсадини тушуниши;

Медиатаълим соҳасида халқаро ва миллий тажрибалар уйғунлигини билиши.

Назорат саволлари:

- Медаиатаълим ва унинг пайдо бўлиши борасида нималарни биласиз?
- Медиапедагогика ресурслари деганда нималарни тушунаси?
- Замонавий ахборот жамиятида медиатаълимнинг ривожини қандай амалга оширилади?
- Замонавий ахборот технологияларининг олий таълим жараёнида қўлланилишини изоҳлаб беринг.
- Медиатаълимни асосий мақсадлари нималардан иборат?
- Медиатаълим соҳасида қандай халқаро ва миллий тажрибаларни биласиз?
- Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) қандай тараққиёт омили бўлиши мумкин?
- Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрни қандай?

2-Амалий машғулот:

Ҳиндистон маданиятининг анъанавийлиги долзарб жиҳатлари.

Ишдан мақсад: Мохенджо-даро ва Хараппа цивилизациясига оид археологик ва ёзма манбаалар билан танишиш, унинг фаолияти билан танишиб, шаҳар-давлат бошқаруви тизимини ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Магадха давлатида ижтимоий-иқтисодий тизимнинг аҳамиятини асослаб берилиши;

Унинг моҳияти тушунтириб бериши;

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар мазмунини билиши;

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқларни изоҳлаб бериши лозим.

Назорат саволлари:

1. Қадимги Маурья давлатининг Ҳиндистон цивилизациясида тутган ўрнини изоҳлаб беринг.

2. Қадимги Маурья давлатининг Ҳиндистон цивилизациясида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари нималардан иборат?

3. Будда даврида Ҳиндистон цивилизацияси.

4. Классик даврида Ҳиндистон цивилизацияси.

5. Ҳиндистон маданиятининг дунё цивилизациясида тутган ўрни.

3-амалий машғулот:

Рим цивилизацияси қулашининг сабаблари.

Ишдан мақсад: Рим цивилизациясига оид археологик ва ёзма манбаалар билан танишиш, унинг фаолияти билан танишиб, шаҳар-давлат бошқаруви тизимини ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Қадимги Рим давлатида ижтимоий-иқтисодий тизимнинг аҳамиятини асослаб берилиши;

Унинг моҳияти тушунтириб бериши;

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар мазмунини билиши;

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқларни изоҳлаб бериши лозим.

Назорат саволлари:

1. Қадимги Рим маданиятининг дунё цивилизациясида тутган ўрнини

изоҳлаб беринг.

2. Қадимги Рим давлатининг дунё цивилизациясида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари нималардан иборат?

3. Республика даврида Рим цивилизацияси.

4. Империя даврида Рим цивилизацияси.

5. Рим маданиятининг дунё цивилизациясида тутган ўрни.

3-амалий машғулот:

Қадимги даврда Рим жамияти. Патриций ва плебейлар. Рим фуқаролик жамияти.

Ишдан мақсад: Рим цивилизациясига оид археологик ва ёзма манбаалар билан танишиш, унинг фаолияти билан танишиб, шаҳар-давлат бошқаруви тизимини ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Рим империясида ижтимоий-иқтисодий тизимнинг аҳамиятини асослаб берилиши;

Унинг моҳияти тушунтириб бериши;

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар мазмунини билиши;

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқларни изоҳлаб бериши лозим.

Назорат саволлари:

1. Қадимги Рим маданиятининг дунё цивилизациясида тутган ўрнини изоҳлаб беринг.

2. Қадимги Рим давлатининг дунё цивилизациясида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари нималардан иборат?

3. Республика даврида Рим цивилизацияси.

4. Империя даврида Рим цивилизацияси.

5. Рим маданиятининг дунё цивилизациясида тутган ўрни.

Кейс-методини амалга ошириш босқичлари:



Кейс 1

“Web-хостинг хизматини танлашда Сиз айнан UZINFOCOM Марказининг технологик майдончасидан фойдаланишинизгизни асослаб беринг?”

Мазкур кейс ролли ўйин кўринишида амалга оширилади. Ролли ўйин методининг асосий мақсади тингловчиларни фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги имитацион фаолиятларни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади.

(Таълим жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланиш тингловчиларни фаол позицияга эга бўлиши, масала моҳиятини англаш ва унга тезкор муносабат билдиришни тақозо этади. Ролли ўйинда иштирокчилар фаолияти ўйин

комплексидан стимул олади. Иштирокчилар ўйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунинг учун уларга ҳеч ким ёрдам бермайди. Ўзларини бошқариш ва уюштиришлари орқали натижаларга эришадилар. Иштирокчилар мураккаб вазиятлар билан боғлиқ ўйин мақсадларига шахсий ҳаракатлари орқали эришадилар ва хулосаларни ўзлари қабул қиладилар. Ролли ўйинлар иштирокчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради. Ролли ўйин бошқа ўйинлардан фарқли мақсади жамоавий ёки индивидуал қарор қабул қилишга ва муаммоларни ечимини дебат орқали топишга асосланади)

Тренинг мақсади: тарих фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари бугунги ҳолати, муаммолари ва истиқбол масалалари ҳақида тушунчага эга бўлиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини рол вазифасидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва жамоавий ҳолда излаш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Иштирокчилар “SJ”, “MM”, “P” ва “G” белгилар тушурилган жетонларни танлаб 4та гуруҳга бўлинадилар. Шундан сўнг тренер бу тимсоллар нимани англатиши ва унинг соҳиблари қандай ролни бажаришлари кераклиги ҳақида тушунча беради. “G” – давлат ва жамоа раҳбарлари белгиси, “MM” - Масс медиа, ОАВлари ходимлари белгиси, “SJ” – тарих педагогикаси вакиллари, блогерлар ва “P” – жамоатчилик ҳисобланади. Тренинг шартлари тушунтирилади. Шундан сўнг қисқа видеокейс намоёиш этилади. Гуруҳ аъзолари ролга киришишлари учун уларга А3 форматда қоғоз берилади ва ҳар бир гуруҳ ўз мавқеига кўра кўтарилган масала бўйича амалга оширадиган вазифаларини ёзиб чиқади. Мазкур ишга 10-15 дақиқа вақт ажратилади. Шундан сўнг гуруҳларнинг тақдимот иши амалга оширилади.

Тренинг давомида гуруҳ аъзолари муқобил гуруҳга уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда саволлар ёки эътирозлар билан мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳар бир иштирокчининг фаол қатнашувини таъминлайди, яқка тартибдаги фаолиятини белгилайди. Мазкур стереотип қарашларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, асослаш гуруҳ аъзоларидан талаб қилинади. Тренинг якунида унинг натижалари хусусида фикр алмашилинади. Ва масала ечими борасида аниқ тўхтамга келинади.


Қўлланиладиган воситалар: экран, қоғоз, фломастер, маркер.

Кейс 2

Тингловчилар эътиборига расм ҳавола этилади, унда акс этган муаммони тарихий материал сифатида жамоатчилик эътиборига олиб чиқиш учун бир қатор саволлар бўйича суриштирув ишлари олиб бориш, сарлавҳа топиш ва воқеа давоми сифатида оригинал ечим ва хулоса қилиш вазифаси юклатилади.

1. Бу қандай ҳолат? (вазият тушунтирилади)

2. Нима сабабдан бу ҳолат юз берди? (Бир неча сабаблар кўрсатилади)
2. Бу каби ҳолатлар олди олинмаса қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? (Бир неча асосли фикрлар билдирилади)
3. Унга қарши қандай чоралар кўриш керак? (Бир қатор ҳал этиш чоралари билдирилади).
4. Хулоса қандай бўлади?



VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Европа ва дунё: океан худуди цивилизациясининг пайдо бўлиши
2. Информацион ва технотрон жамияти
3. Глобаллашув ва цивилизация
4. Цивилизация тушунчаси тарихий жараённинг таълил қилишининг янгича усулидир
5. Босқичли ва локал цивилизацияларнинг назарияси
6. Цивилизация тарихини ўрганиш борасида XX аср тарихшунослиги
7. Ислом цивилизациясининг асосий характерли белгилари ва ўзига хос хусусияти
8. Ислом цивилизациясининг ривожланиш босқичлари
9. Ислом жамияти ва ижтимоий-диний ҳаракатлар²⁹. Медиатаълим: мулоқот маданияти
10. Қадимги Крит ва Микен жамияти.
11. Эллада маданияти.
12. Илмий билимлар ва дин ривож.
13. Рим цивилизациясининг ўзига хослиги.
14. Республика ва империяча бошқарув.
15. Византия ва Россияда цивилизация пайдо бўлишининг шарт-шароитлари
16. Рим цивилизациясининг давомчиси.
17. Ўрта асрлардаги Византия маданияти.
18. Россия цивилизациясининг ўзига хослиги.
19. Ўрта асрлар Ғарб мафкураси.
20. Индустириал жамият.
21. Ғарбда гуманизм.
22. Технотрон жамияти.

VII. ГЛОССАРИЙ

№	Атама	Ўзбекча	Инглизча
1	Ра	Қадимги Мисрдаги Қуёш худоси	ancient Egyptian sun god
2	Нубия	Мисрнинг жанубидаги худуд, ҳозирги Судан шимолига тўғри келади	Nubia is a region along the Nile river located in what is today northern Sudan and southern Egypt
3	Pharaoh	“Қатта уй” қадимги Мисрда подшолик унвони.	Pharaoh is the common title of the monarchs of ancient Egypt
4	Hyksos	Саҳро ҳокимлари ёки II-ўтиш даврида қуйи Мисрни забт этган кўчманчи халқлар.	The Hyksos, a people that constituted the fifteenth dynasty of Egypt were of non- Egyptian origin
5	Дидактик воситалар Didactic means	ўқув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик воситалар	these are pedagogical systems that help improve the learners’ education skills
6	Дидактик материал Didactic material	фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, ўқув вақтини иқтисод қилишни таъминлайдиган ўқув машғулоти учун мўлжалланган қўлланмаларнинг махсус кўриниши	a special view of annuels when you are using them, you will activate your knowledge, provide to econom studying time
7	Масофавий таълим	таълимни масофавий ўқитиш усул ва воситалари орқали ташқил қилиш шакли	a construction of building distancial study
8	Масофавий таълим тизими	масофавий технологияларни қўллаб масофавий таълимни ташқил этиш ва амалга	that is a system of a construction of building distancial study

		оширишга жалб қилинган ўқув-тарбиявий, ташкилий, телекоммуникация, педагогик ва илмий манбалар мажмуаси	
9	Масофавий ўқитиш Distancial studying	ахборот - коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли	that is a system of a construction of building distancial study using information technologies
10	Даосизм Taoism	қадимги Хитойдаги фалсафий оқимлардан бири	religious or philosophical tradition of Chinese origin
11	Миной цивилизацияси Minoan civilization	Бронза даврида Крит оролида вужудга келган цивилизация.	The Minoan civilization was an Aegean Bronze Age civilization on the island of Crete
12	Ойкумена Ecumene	Ер юзининг одамлар яшайдиган қисми, чегараси	the portion of Earth's surface occupied by permanent human settlement.
13	Патрициялар Patricians	Римнинг қадимги туб аҳолиси	the original aristocratic families of Ancient Rome,

Абсолютизм-чекланмаган монархия- феодол давлати формаларидан бири бўлиб, бунда олий ҳокимият давлат бошлиги (король, подшо, император)га тамомила ва чекланмаган холда бериб қўйилади.

Аварлар-катта кабила уюшмаси булиб, унда тарк тилида сузлашувчи кабилалар асосий роль уйнаган. Аварлар VI асрда Осиёдан Марказий Европага бостириб кириб, Дунай соҳилидаги Паннонияда уз хоконликларини тузганлар.

Австразия- Франклар давлатининг Меровинглар сулоласи хукмронлик қилган даврдаги шимоли-шарқий қисми. Унинг составига асосан гарман аҳолиси яшайдиган ерлар кирарди.

Аквитания- Пиреней тоғлари билан Луара дарёси уртасидаги Рим вилояти. 5 асрнинг бошларида Аквитания таррриториясида вестготлар уз кироликларини ташкил этдилар.

Аламанилар(алеманилар)- Гарбий Геманиядаги бир қатор кабилаларнинг номи (III-IV асрлар), улар V аср ўрталарида Рейннинг сул соҳилига(Эльзас) утишди.

Аланлар- сарматлардан келиб чиқиб, эрон тилида гаплашувчи кабилалар бўлиб, II-IX асрларда Шимолий Кавказда ҳамда Қуйи Днепр билан Жанубий Урал оралигидаги вилоятларда яшашган.

Албания-Албанлар-Болқон ярим оролининг қадимий аҳолиси, иллиро- фракий кабилаларининг авлодларидир.

Аллод- феодализм даврида ер егасининг чексиз тасарруфида бўлган, феодал мажбуриятларидан озод қилинган мулкдир.

Анафема- черковдан хайдаш ва лаънатлаш. Анафема- христианлар черкови ўрта асрлар мобайнида ва янги даврда илғор ижтимоий тафаккурга қарши қураш учн қулланган социал ва диний террор қуролидир.

Англикан черкови- епископлар черкови- Англиянинг давлат черкови. Англикан черкови XVI асрнинг 30-йилларида Англия қироли Генрих8 утказган реформация натижасида вужудга келди.

Англо-сакслар истилоси- герман кабилалари- англлар, сакслар, ютларнинг Европа қитъасидан Британияга қучиб бориши ва уни забт этишидан иборат узок жараёндр. Англо-сакслар истилоси V аср урталарида бошланди ва 6 аср охирларида Британиянинг тамомила буйсундирилиши билан тугалланди.

Англлар- қадимий германлар кабиласи. Биринчи мартда Тацит асарларида тилга олинади.

Анжу- Лаура дарёсининг қуйи окимидаги Франция вилояти. Феодализм даврида Анжу- қудратли графлик еди.

Антлар- IV-VI асрларда Днестр ва Днепр дарёлари оралигида яшаган шарқий славян кабилалари қатта уюшмасининг номи.

Аристократия- хукмрон синфнинг имтиёзли табақаси. Феодал жамятида Аристократия феодаллар хукмрон синфининг унволи юқори табақаси. Абсолютизм даврида Аристократия тарқибига энг йирик рухоний ва дунёвий ер егаларигина эмас, сарой дворянларини ҳам қушган едилар.

Баршчина- капиьализм давригача булган ер рентаси формаларидан бири, крепостной дехконнинг помешчик хужалигида ҳақ олмасдан мажбуран меҳнат қилиши, ишлаб бериш рентасининг русча номи.

Бенефиций- Гарбий Европада илк Урта аср даврида саройда, маъмурий органларда, купинча харбий сохада муайян хизмат килиш шарти билан берилган ерга егалик килиш формаси.

Боту (1255 йилда вафот этган)- мугул хони, Жужининг угли, Чингизхоннинг набираси. 1236-1243 йилларда Шаркий Европага бошланган юришга бошчилик килиб, ахолини оммавий равишда киргин килди ва шахарларни яксон этди.

Боярлар- Россияда ва Руминияда феодал жамиятининг олий табакаси, Россияда XV асрда саройдаги юкори мартаба булиб, бу мартаба боярлар думасида иштирок этиш ҳукукини берарди.

Боярлар думаси- X асрдан-XVIII асрнинг бошларигача Рус давлатида князь хузуридаги олий кегаш, унинг фаолияти конун чикариш-маслахат характериға эға эди.

Буддизм- бошка динлар сингари айрим шахс томонидан яратилмаган, балки ижтимоий хаёт шароитларидан келиб чиккан.

Бургундия- урта асрларда турли территорияларнинг номи. V асрда Сена ва Рона хавзасида герман кабилалари бургундлар киролиги вуждға келиб, VI асрда франкларға буйсундирилди.

Буюк мугуллар- Хиндистон феодал хукмронлари династиясига карашли Темурий шахзодаларидан бири булган Мухаммад Захириддин Бобир замонидан Хиндистонда ташкил топган сулола.

Вагантлар- урта асрларда Гарбий Европанинг баъзи мамлакатларидаги кашшок дайди талабалар, кейинчалик, XII-XIII асрлардан бошлаб тиланчилик килувчи студентлар ва дайди, бошпанасиз клириклар.

Варварлар кироликлари- V-VI асрларда Гарбий Рим империясининг территориясида гарманлар забт этиши натижасида куйидаға варварлар кироликлари: 1. Галлияда 2. Испанияда 3. Италияда 4. Шимолий Африкада 5. Британияда.

Варварлар- кадимий греклар ва римликлар уз кушни кабилалари ва халкларини камситиб, ана шундай ном билан атаганлар.

Ватикан- католик черквининг бошлиги- Рим папасининг резиденцияси.

Вервь- Кадимий Русьда ва жанубий славянларда жамоа ташкилоти.

Вестготлар, визиготлар- 2 асрнинг охири-3 асрнинг бошларида вестготларға ва остготларға булинган готлар гарман кабиласининг гарбий шахобчаси, 2 асрдан бошлаб Вестготлар Кора денгиз сохилиға томон харакат кила бошладилар ва Днестр хавзасида жойлашиб, махаллий ахоли билан кушилишиб кетдилар ва шу ахоли маданиятини узлаштирдилар.

Вече(«вещать»)- эшштириш деган суздан)- кадимий ва урта асрлардаги Русьда мухим умумий ишларни мухокама килиш ва хал этиш учун тупланадиган халк йигилиши.

Владимир Мономах, Владимир Всеволодович (1053-1125)- Киевнинг буюк князи. Атокли давлат арбоби, Всеволод Ярославичнинг угли.Русь бирлигини кайта тиклаш учун курашган.

Владимир Святославович- Киевнинг буюк князи кадимий Русьнинг атокли сиёсий арбоби. 870 йилдан Новгородда князлик кила бошлади.

Габсбурглар- Мукаддас Рим империяси деб аталувчи империяда 1806 йилгача хукмронлик килган герман миллатига мансуб сулола.

Галлия- кадим замонларда: 1.эрамиздан илгариги 1 асрнинг 50-йилларида романлаштирилган шимолий Италия территориясини 2.хозирги Франция,Бельгия,Люксембург, Нидерландиянинг ьир кисми ва Швецариянинг территориясини камраб олувчи мамлакат.

Ганза- XIV-XVI асрларда Любек бошчилигида булган шимолий немис шаҳарларининг савдо иттифоки.

Германлар(кадимий)- тилларнинг хинд-европа оласига мансуб булган хамда шимолда Шимолий денгиз ва Жанубда Дунайгача, гарбда Рейн ва шарқдан Эльбагача булган территорияда, шунингдек Скандинавия ярим оролида яшаган кабилалар ва халкларнинг катта группаси.

Герцог- даставвал кадимий германлар кабила зодагонлари сайлайдиган харбий бошлик, илк урта аср даврида Гарбий Европада- кабила князи, феодал таркоклиги даврида- катта территория эгаси.

Готлар- Шаркий герман кабилалари. Антик ёзувчиларнинг курсатишича, эрамизнинг бошларида готлар Балтика денгизининг жанубий соҳилида ва Висла куйи окими вилоятларида яшашган.

Граф- илк феодализм даврида Гарбда кирол тайинлайдиган округ бошлиги. Феодализм бошланиши билан граф деярли мустакил ворис хукмдорларига айланишди.

Гугенотлар- XVI асрда француз протестантлари(кальвинистлар). Гугенотлар француз фодалларидан ва кисман жанубий француз буржуазиясидан сиёсий норозиликни диний шакилда ифодалардилар.

Гуманизм- шахс шаънини ва эркинликларини химоя килишга уни хар томонлама камол топтиришга, ижтимоий мунособотларнинг инсонпарвар булиши учун курашга каратилган ижтимоий тафаккур йуналиши.

Гуннлар (Хуннлар)- I асрда Марказий Монголиядан сикиб чиқарилган ва 155-160 йилларда Жунгариядан келган туркий тилида гаплашувчи хунну кабилалари билан Урал ва Аолга буйидаги угор кабилаларининг аралашувидан ташкил топган халк.

Домен-феодалнинг уз ихтиёридаги ер мулки, бевосита феодал хикимга буйсунувчи территория.

Епископ- Христиан черковларида юкори лавозимли рухоний (мутавалли). Дастлабки хриситан жамоаларида епископ жамоанинг енг бой ва эътиборли аъзолари орасидан сайланар ва черковнинг хазиначиси буларди.

Жамоа- капитализимгача булган ижтимоий-иктисодий формация учун характерли булган, табий холда келиб чиккан кишлок хужалик ишлаб чиқарувчиларнинг социал коллективи.

Жанубий славянлар- болгарлар, серблар, хорватлар, черногорецлар, ва бошкалар.

Ибн Сино(Авиценна)- Абу Али Хасан ибн Ахмад (980-1037) Урта Осиё ва Эрон халқларинингтабобат, тиббиёт ва фалсафага доир билимларнинг ривожланишида жуда катта роль уйнаган олим ва шоирдир.

Иезуитлар- Иисус жамияти- курашчан католик диний ордени, контрреформациянинг бош курули сифатида испан Игнатий Лойоло томонидан 1534 йилда асос солинган.

Инвеститура- 1) вассални тантали равишда ер- мулкка феодал этиб тайинлаш
2) черков мансабларига епископлар ва аббатлар тайин этиш.

Инд�льгенция- урта асрларда католик черкови иш практикасида кулланилган пул баробарига ёки черков олдида курсатилган хизматлари учун айб ва гунохларини кечириш ва черков жазосидан озод этилганлиги хакида бериладиган ёрлик.

Инквизация- католик черковида 13 асрдан то 19 асргача мавжуд булган бидъатчилар иши юзасидан иш курувчи махсус черков суди.

Инклар- 9-13 асрларда Перуда (ж.Америка) яшаган кейинрок 15 асрнинг 30 йилларида ташкил этилган Инклар давлатида хукмрон табака булган илк индеецлар кабиласи.

Ислом (араб- итоаткорлик)- дунёда энг кенг тарқалган динлардан бири, ислом янги эранинг 7 асри бошларида Гарбий Арабистондаги Хижозда вужудга келди.

Исмоилийлар- 8 асрда Багдод халифалигида вужудга келган, Якин ва урта шарк мамлакатларида кенг ёйилган мусулмон шиа мазхаби.

Кардинал- католик черковининг олий мансабдори. Кардиналлар мажлиси- конклав папани сайлайди.

Кароллинглар- 751 йилда Меровинглар сулоласи урнини эгаллаган франк кароллари сулоласи. Бу ном шу сулоланинг энг улуг намояндаси булган ва

деярли бутун Гарбий Европани узига буйсундирган Буюк Карл номидан келиб чиккандир.

Католицизм ёки Рим католик черкови- асосан Жануби- гарбий ва Марказий ва Жанубий Африка ахолиси уртасида таркалган христиан диний мазхабларидан бири. Католицизм маркази Рим, черков бошлиги эса Рим епископи, ердаги пападир.

Колонат- Рим империясида шаклланган ва кенг ёйилган бевосита ишлаб чиқарувчилар билан йирик ер эгалари уртасида буладиган ишлаб чиқариш мунособатларнинг алохида формаси.

Крепостнойлик хукуки- феодал- крепостной жамиятининг дехконларини ноиктисодий йул билан мажбур қилиш, яъни давлат томонидан дехконларнинг меҳнати, мол- мулки ва шахсига нисбатан хуқуқларни помещчик фойдасига расмийлаштирадиган ва мустахкамлайдиган қонунлар ва хуқуқ нормалари системасидир.

Лангобардлар- 568 й. да Италияга кириб бориб, у ерда Лонгбард қороллигини ташкил этган герман қабиласи. Унинг Марказий области ҳозирги Логобардия бўлган.

Латлар- гавдвнинг юқори қисмини душман қуроли зарбасидан сақлайдиган темир ёки пулат пластинкалардан ясалган совут.

Ливония- ҳозирги Латвия ва Эстония территориясига тугри келадиган мамлакатларнинг номи.

Ливония ордени- қиличбардорлар орденининг Тевтон ордени билан қушилиб кетиши натижасида 1237 йилда Шарқий Балтика бўйида майдонга келган диний рицарлик орденининг кенг таркалган номи.

Мавороуннахр- Амударёнинг унғ томонида жойлашган вилоятларнинг арабча номи. Кейинчалик, Амударё ва Сирдарё оралигидаги жойлар ҳам шу ном билан атала бошлаган.

Маздақлар- Эронда Сасонийлар шоҳи Кавадал хуқмронлик қилган даврида феодал мунособотларнинг шаклланиши ва бу вақтга эркин бўлиб келган дехкон жамоаларига феодалмажбуриятларининг сиртмок бўлиб тушиши натижасида вужудга келган халқ харакати қатнашчилари.

Майорат- оила ёки уруг бошлигининг харакатсиз мол-мулққа яққа меросхурлигини англатадиган тартиб.

Мануфактура- капиталистик ишлаб чиқаришнинг йирик машина саноати пайдо бўлмасидан илгариги формаси.

Несторианлик- 5 асрда Византиядаги диний сийсий оким. Унинг асосчиси-Константинополь епископи Несторий. Несторианлик черков билан император хокимиятининг иттифок булишини ёклади.

Норманнлар- Скандинавия халкларининг 8 аср охири ва 11 аср урталарида кенг экспансияси даврида Гарбий Европадаги номи, Россияда норманнлар варяглар номи илан юритилган.

Оброк-рус тарихий адабиётларида феодал ер рентасининг икки формасини, яъни махсулот ва пул формаларини билдириш учун кулланиладиган таермин.

Олтин Урда(Жужи улуси)- 13 асрнинг 40- йилларида Жужихоннинг угли Ботухон асослаган феодал давлати.Унинг улусига Хоразм, Шимолий Кавказ хам кирарди.

Опричнина- кадимги Русьда дастлаб феодалнинг бева колган хотинига васият килинган ерлардан умрбод фойдаланиш учун булиб берилган ерни опричнина дейишган.

Оттон имтиёзлари- герман короли Оттон1 (936-937 й.й.) нинг епископ ва аббатларга килган инъомларининг мажмуаси.

Палеологлар- Византия импреаторларининг (1261-1453 й.й.) охирги сулоласи. Унинг асосчиси салбчиларнинг Латин империясини йук килиб юборган ва Византия империясини тиклаган Михаил8 Палеолог булган.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини

ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 792-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

21. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series A: Ancient. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 871 p.

22. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

23. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

24. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.

25. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.

26. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.

27. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.

28. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.

29. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.

30. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Asia. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1241 p.

31. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Africa. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 903 p.

32. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
33. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
34. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
35. Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
36. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
37. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
38. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
39. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
40. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
41. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
42. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.
43. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
44. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
45. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
46. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
47. Thorndike L. A. History of magic and experimental Science. – New York: Columbia University Press, 2019. – 835 p. (Reprint).
48. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
49. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
50. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
51. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
52. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.

53. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
54. Гулобод Кудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
55. Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. / А.Холлиев тахрири остида. – Тошкент: Университет, 2010.
56. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
57. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1918 – 1945 гг. / под ред. Н.А.Родригес. – Москва, 2014.
58. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
59. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
60. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
61. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
62. Йегер О. Всемирной истории. Том 1. Древний мир. – М.: Directmedia, 2020. – 1044 с.
63. Йегер О. Всемирной истории. Том 2. Средние века. – М.: Directmedia, 2020. – 905 с.
64. Йегер О. Всемирной истории. Том 3. Новая история. – М.: Directmedia, 2020. – 809 с.
65. Йегер О. Всемирной истории. Том 4. Новейшая история. – М.: Directmedia, 2020. – 878 с.
66. Казакова В.Н. История средних веков. – Москва: Litres, 2018.
67. Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
68. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
69. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
70. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
71. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
72. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
73. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
74. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

75. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
76. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

IV. Интернет сайтлар

77. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
78. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
79. www.Ziyonet.Uz
80. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
81. <https://www.ucl.ac.uk/ioe/courses/graduate-taught/mathematics-education-ma>
82. <https://www.onlinestudies.com/Courses/Mathematics/Europe/>
83. <https://online-learning.harvard.edu/catalog?keywords=mathematics&op=Search>
84. <https://www.msu.ru/en/projects/proekt-vernadskiy/news/math-teachers-advanced-training.html>
85. <https://english.spbu.ru/education/graduate/master-in-english/90-program-master/2455-advanced-mathematics>

1.